

Солиҳлар кўпайса, муҳтоҷлар унутилмаса...

Хижрий 18-санада қаҳатчилик бўлади. Қаҳатчилик тўққиз ой давом этади. Одамлар қийналади, чорва озиб кетади. Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу одамларни тўплаб, Аббос розияллоҳу анҳу билан ёмғир сўраб дуо қиласди.

Аббос розияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолога илтижо қилиб: “Ё Аллоҳ! Албатта, гуноҳ бўлмаса, бало тушмас. Тавба бўлмаса, бало кўтарилилмас. Биз Сенга илтижо этиб дуо қиласмиз, гуноҳларимизни эътироф этамиз. Сенга тавба қиласмиз. Бизга ёмғир ато қил”, деди.

Манбаларда Анас розияллоҳу анҳудан бундай ривоят келтирилади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қаҳатчилик бўлганида Аббос ибн Абдулмутталиб билан истисқо қилдилар: **“Аллоҳим! Албатта, биз Сенга Набийимиз билан дуо қилиб ёмғир сўрардик. Сен бизга ёмғир берар эдинг. Энди биз Сенга Пайғамбаримизнинг амакиси билан ёмғир сўраб, дуо қиласмиз. Бизга ёмғир бер”**, деди» (И мом Бухорий ривояти). Шунда жала қўйди. Ер тўйиб, одамларнинг жонига ора кирди.

Аллоҳ таолога ёлвориб, қалбнинг туб-тубидан қилинган илтижою дуолар мустажоб бўлади.

Солиҳ зотлардан бири Саййид Аҳмад Тозийга нисбатан “ат-Тозийя” ёки “ат-Тафрижия” деб номланган ва “ас-Сийғатул комила” ёки тез ижобат бўлгани учун “ан-Нория” деб аталган салавот бор. Унинг матни қўйидагича:

“Аллоҳумма солли салотан камилатан ва саллим саламан таамман ҳала саййидина Муҳаммаданил лазий

*танҳаллу биҳил ӯкоду ва танфарижу
биҳил куробу ва туқзо биҳил ҳаваижену
ва туналу биҳир роғонибу ва ҳуснул хова-
тими ва йустасқол ғамаму би важҳиҳил
кариими ва ҳала олиҳи ва соҳбиҳи фи
кулли ламҳатин ва нафасин би ҳадади
кулли маълумин лак!”*

Маъноси: “Аллоҳим, ҳазрати Муҳаммадга ва у зотнинг оилалари (ахли)га ва саҳобаларига ҳар нафас ва ҳар лаҳзада Ўзингга маълум бўлган саноқлар миқдорича комил салавот ва мукаммал салом юборгин. Чунки у зотнинг воситасида (ҳар қандай) тугунлар ечилади, қийинчиликлар кетади, машақкатлар бартараф, ҳожатлар раво бўлади, умидмақсадларга ва яхши-гўзал ниҳояларга эришилади ҳамда у зотнинг гўзлакарамли юзлари ҳурматидан ёмғирлар сўралади”.

Халқимизда: “Ёмғир билан ер кўкаради, дуо билан эл” деган мақол бор. Зеро, солиҳ инсонларнинг дуоси билан эл-юрт фаровон бўлиши шубҳасиз.

Шу ўринда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Заифларингиз сабабидангина нусратланурсизлар ва ризқланурсизлар”**, деганларини айтиб ўтиш керак. Жамиятдаги заифлар, камбағал, бечораларнинг дуолари туфайли ҳам Аллоҳ таоло бандаларининг ризқини мўл қиласди, уларни бало-офтатлардан асрайди.

Хулоса шулки, жамиятда солиҳлар кўпайса, заифлар, камбағаллар ёрдамсиз, қаровсиз қолдирилмаса, Аллоҳ таолонинг изни билан халқимиз тинч, бало-офтатлардан омонда бўлади.

Абдумутал ОТАБОЕВ,
Жиззах вилояти “Холид ибн Валид”
жоме масжиди имом-хатиби

Аллоҳ таоло башарият учун коинотни чексиз илоҳий қудратининг бир кўргазмаси, айни пайтда, имтиҳон дарсхонаси ўла-роқ яратди. Тафаккур қилувчи инсонлар учун коинотнинг ҳар бир бурчагида қудрат уммонларидан ва илоҳий нақшлардан ишоратлар, сирлар, хикматлар ва очиқ аломатлар бор.

Ақл эгалари учун...

Бу аломатлар инсонга:

- Аллоҳнинг буюклигини ва тенгсиз қудратини кўрсатади;
- бу буюклик қаршисида инсоннинг ожизлигини ва Парвардигор ҳузурида қуллик имтиҳонини ёдига солади;
- бу имтиҳоннинг охирида эса ўлимни, қиёматни, ҳашр (йигилиш), ҳисоб-китоб ва ўзининг оқибатини эслатади.

Бу дунёдаги ҳар бир нарса ақл ва қалб соҳиблари учун ишорадир. Ояти каримада айтилади: “**Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир**” (*Оли Имрон сураси, 190-оят*).

Кун ботишини бир бор тафаккур или томоша қилиш соғлом ақл соҳиби учун кўнгилда чуқур из қолдирадиган кўргазмадир.

Фоғил инсонгина рассомнинг чизган табиат манзараларини мақтаб, томоша қилади-ю, коинот ва унинг Холиқи қаршисида мақтov ҳиссини түя олмайди. Илоҳий қудратни оддий иш сифатида қабул қиласи.

Аллоҳнинг маърифатли дўстлари эса Жаноби Ҳақнинг мўъжизалари қаршисида ҳайрат ва ҳаяжонга тушадилар.

Улар бир заминда униб-ўсаётган ўсимликлар; ранго-ранг япроқ ва гуллар, уларнинг товланишлари, дараҳтларнинг ранг, таъм, ҳид ва шаклда бир-биридан тубдан фарқ қиласиган меваларини, кичик уруғдан катта дараҳтнинг униб чиқишини, бир тухумдан товуқнинг пайдо бўлишини, бир томчи сувдан инсоннинг вужудга келишини, фақатгина бир-икки ҳафта яшаса-да, қанотида гўзал суратлари бор капалакни, инсоннинг яратилишидаги

ажойиб – қўзнинг кўриши, миянинг идрок этиши каби илоҳий мўъжизаларни ҳайрат билан кузатадилар.


Қуёшнинг ҳар ботиши, кун чиқиши, амал дафтари нималар билан тўлиши но маълум бўлган бир саҳифа эмасми?

Кун ва туннинг бир-бири ортидан келиши, фасллар ҳам алмашиб туриши. Баҳорда қайта жонланган ва яшнаган табиат кузда сарғая бошлайди, қишида “ўлади”. Табиатда ҳар йили такрорланадиган бу мавсум алмашинуви инсон умрида фақат бир бор яшалади. Ёшлик баҳори асло ортга қайтмайди.

Инсон янги узилган новдадек чақалоқ бўлиб дунёга келади, юриб-югуриб улғаяди, ёш ва кучли бўлиб етишади. Фақат бу жараён ўрта ёшдан кейин секин-аста тескарисига айланба бошлайди. Дараҳтларнинг ям-яшил, ҳаётийлик рамзи бўлган барглари сарғайиб, шамолларда тўқилганидек, инсоннинг ҳам қоп-қора соchlари аста-секин оқаришни, териси буришишни, тик қадди букилишни ва қуввати кесилишни бошлайди. Касалликлар танада зухур этади: бора-бора бел букилади, тиззаларда дармон қолмайди. Яъни, инсоннинг умри ўзи учун энг катта ибратдир. Ояти каримада бундай марҳамат қилинади: “**Биз кимга узоқ умр берсак, унинг вужудини ҳам (эгик, заиф) қилиб қўюрмиз. Ахир, ақл юргизмайдиларми?!**” (*Ёсин сураси, 68-оят*).

Инсон буларнинг бари ҳақида тафаккур қилиши керак эмасми?!

**Нигора АБДУМУХТОР қизи
тайёрлади.**



Мундарижаса

Салавот соғинчи

Солиҳлар кўпайса,
муҳтожлар унутилмаса... 1

Таянч нуқта

Ақл эгалари учун... 2

Огоҳлик – давр талаби

Фитна – кўз илғамас хатар 4

Бир оят шарҳи

Худ алайҳиссаломнинг дуоси 7

Саҳобалар ҳаёти

Хотамтой Сайд ибн Ос розияллоҳу анху 8

Улуғ фарз

Намознинг ҳикматлари 10

Ёмонликдан қайтариш

Ақлни кетказувчи нарсалар
ҳаром қилинган 11

Динимизни ўрганамиз

Мерос: рукнлари, шартлари,
олиш сабаблари 12

Ёшлилар тарбияси

Фарзандингизга вақт ажратяпсизми? 14

Дарсхона

Қайтар дунё 15

Муносабат

Ислом шиорлари масхара
қилинмайди 16

Ибрат

Отага ҳурмат дарси 17

Масала

Сўраган эдингиз... 18

Ҳадис шарҳи

Сизга кимнинг моли суюкли? 20

Катта гуноҳлар

Тухматнинг охиривой 21

Дунёдан дараклар

Ислом ва олам 22

Аслида қанақа?

“Саҳиҳи Бухорий”да аёлларга
эҳтиром 24

Шеърият

Яратган ул куни сендан ризо бўлгай... 26

Улуғлардан ўғитлар

Қазога рози, балоға сабрли... 27

Мунаввар олам

“Жомеус Сунан” шарҳланмоқда 28

Тадқиқот

Ўзбек матбуотининг тарихий
илдизлари 29

Саодат асрига саёҳат

Асиirlар ҳақида
музокара 30

Минтақа

Соломон ороллари 32



Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Фитна – кўз илғамас хатар

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

ҲАДИСЛАРДА ФИТНА МАВЗУСИ

Фитна ҳақида талайгина ҳадиси шарифлар келган. Ҳатто муҳаддислар фитна ҳақидаги ҳадисларни бир жойга тўплаб “Ал-фитан” деган алоҳида китобни таълиф этганлар. Кўпчилик муҳаддислар ҳадис тўпламларида алоҳида фитналар бобини ажратиб, шу мавзуга доир ҳадисларни жамлаганлар.

Суннатда фитна мавзуси кенг ёритилган бўлиб, унинг муолажаси ҳақида жуда кўп тавсиялар берилган. Бу борада аллома Нуриддин Итр раҳматуллоҳи алайҳининг сўзлари эътибордадир. Одамлар у зот ҳузурига бориб, фитна вақтида қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида сўрашади. Шунда шайх уларга жуда чиройли йўл кўрсатиб, бундай дейди: “Фитна ҳақида келган ҳадисларни кўпроқ ўқиб, бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг насиҳатларига амал қилинг. Ўзингизни ҳам фитнага тушиб қолишдан эҳтиёт қилинг”.

Фитнага қарши энг яхши чора шу мавзу билан боғлиқ ҳадисларни яхшилаб ўрганиш ва ундаги кўрсатмаларга амал қилишдир.

Фитна ҳақида ворид бўлган ҳадисларни бир ўринга жамламаймиз, ҳолатга қараб, алоҳида-алоҳида ном остида келтирамиз.

ИБЛИС АЛАЙҲИ ЛА'ННИНГ ФИТНАСИ

Биринчи содир этилган фитна Иблис алайҳи ла'на тарафидан Одам алай-

ҳиссаломга кибр ва ҳасад қилиш натижасида бўлган. Одам алайҳиссалом ва Ҳавво онамизни нози неъматлар ичидан яшаб турган жаннатдан шайтоннинг фитнаси ва иғвоси чиқарди. Фитна ортидан доимо неъматлардан маҳрумлик ёки бирор мashaққатга йўлиқиши туради. Отамиз Одам ва онамиз Ҳаввонинг жаннатдан чиқиш воқеаси катта мавзу бўлиб, Қуръони карим сураларида қисса шаклида келган.

ДУНЁДА РЎЙ БЕРГАН ИЛК ФИТНА

Ер юзидағи биринчи фитна Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари Қобил ва Ҳобил ўртасида юз берган. Ака ўз инисига ҳасад қилиб, унинг қотилига айланади. Бунга қадар ер юзида барча инсонлар тинчтотув ҳаёт кечирав эдилар.

Мазкур воқеа Қуръони каримда гўзал услубда баён қилинган:

«Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳақ ила тиловат қилиб бер. Икковлари қурбонлик қилганларида, бирларидан қабул қилинди, бошқасидан қабул қилинмади. У: “Албатта, мен сени ўлдиражакман”, деди. Бириси: “Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қиласидир. Агар сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармасман. Мен, албатта, оламларнинг Рабби Аллоҳдан қўрқаман. Ана ўша золимларнинг жазосидир”, деди. Нафси унга биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдириди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди. Аллоҳ ер юзида кезиб юрган қарғани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди. У: “Шўрим қурсин! Мана шу қарғачалик бўлиб, биродарим ўлигини



кўма олмадим-а?!” деди. Бас, у надомат қилувчилардан бўлди. Шунинг учун ҳам Бани Исройлга: “Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтиурса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади”, деб ёздиқ. Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарларимиз баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра, бундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар” (*Моида сураси, 27–32-оятлар*).

Воқеа батафсил баён қилингани боис унинг тафсирига мурожаат қилмай, оятнинг ўзи билан кифояландик.

ИСЛОМ ДАВРИДАГИ КАТТА ФИТНА

Сийрат уламоларининг таъкидлашича, Исломдаги биринчи энг катта фитна Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу даврида содир бўлган. Тўғри, ундан олдин ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлик чоғларида ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг халифалик вақтида фитналар юз берган бўлса-да, лекин оммавий тус олмаган. Ҳадисларда ҳам катта фитналар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан кейин бошланишига ишоралар бор.

Юқорида айтганимиздек, Ислом тарихида содир бўлган энг катта фитна “Фитналар қулфи” дея ном олган иккинчи халифа, амирул мўминин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг даврига тўғри келади. Воқеани қисқача баён қиласиган бўлсак. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг халифалик йиллари жамиятда адолат ҳукм сурарди. Еру осмондан барака эшиклари очиб қўйилган вақтлар. Одамлар тинчлик-омонликда ҳаёт кечирар, фитна нималигини асло билмас эдилар. Фитна у ёқда турсин, шубҳали савол берган кишиларнинг ҳам адаблари бериб қўйиларди.

Вақт ўтган сари турли халқлар Исломни қабул қила бошлади. Одамлар Ислом динига киргани билан ҳали аввалги эътиқод ва қарашлари тўлиқ ўнгланмаган эди. Ундан ташқари, фитнабоши Абдуллоҳ

ибн Сабаъга ўхшаган ичкаридан Исломга ҳужум қилиб, зарба бериш мақсадида ўзини мусулмон қилиб кўрсатаётган мунофиқлар йўқ эмасди. Шу ва шунга ўхшаган бошқа омиллар сабаб аста-секин фитнага йўл очила бошлади.

Фитначилар ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай пасткашликдан тоймас эдилар. Фитначилар хуфёна тил бириктириб, тўпланиб ҳазрати Умарни ўлдириш учун режа тузадилар. Душманлар ўзларининг қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун Муғира ибн Шўбанинг қули Абу Луълуани танлашади.

Бир куни Абу Луълуа заҳар сурилган ханжар билан эрталаб масжидга йўл олди. Ҳазрати Умар субҳ намозини эрта ўқирди. Пайтдан фойдаланган қотил масжидга эртароқ кириб яшириниб олди. Ҳазрати Умарнинг намоз бошлашини кутиб орқада пойлаб намозга такбир айтиши билан ханжар уради. Бир неча марта санчиб, кўп жароҳат етказади. Ҳазрати Умар “Мени ўлдириди, ушланглар!” деб қичқиради. Одамлар уни ушлашга ҳарчанд ҳаракат қиласин, бир неча кишини яралаб қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин бир саҳоба орқасидан келиб, уни йиқитиб олди. Қўлга тушган Абу Луълуа ўзига ханжар урди.

Абдураҳмон ибн Авфни ўрнига имом қўйди. Намозни тезда тутатиб Умарни уйларига олиб кетишиди. Воқеани эшитган ахли Мадина қайғуга ботди.

Дарҳол табиб чақирилди ва у жароҳатни кўриб, боғлаб қўйди. Лекин жароҳат оғир, кўп қон йўқотилганди. Шундай қилиб, хижратнинг 23 или 26 зулхижжа (милодий 644 йил 2 ноябр) сешанба куни ҳазрати Умар 63 ёшда фитна туфайли вафот этди.

Биринчи фитна номини олган ушбу мудҳиш воқеа Ислом тарихига қонли сиёҳ билан битилди.

Ҳазрати Умар васиятига биноан чоршанба куни Ойша онамиз ҳужраларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ёнларига дағғи қилинди. Жаноза намози масжидда ўқилди, Суҳайб Румий розияллоҳу анҳу имом бўлди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан бошланган

5

фитна кейинги рошид халифа-
ларни ҳам четлаб ўтмади.

Хулоса шуки, фитна жамиятни паро-
канда қилиб, одамлар орасида бошбош-
доқлик ва низолар авж олдиради. Охир-
оқибат зиддиятлар низоларни келтириб
чиқаради. Кўп ҳолларда эса бу каби иш-
лар қон тўкилиши билан якун топади.

Шунинг учун ҳам динимиз фитнани
қоралайди ва унга қарши қаттиқ курашади.

ЮМШОҚЛИК ВА ҚЎПОЛЛИК ОҚИБАТИ

Ислом дини барча фазилату яхшили-
кларга буюради. Зеро, динимиз эзгулик
динидир. Унинг барча ҳукмларида мулой-
имлик ва юмшоқлик мавжуд. Бу борада бир
қанча ҳадиси шарифларда кўрсатмалар бор.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам-
нинг завжалари Ойша розияллоҳу анҳодан
ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам: “Эй Ойша! Албатта, Аллоҳ таоло
Роғиқдур, риғқни яхши кўради. Риғқа
қўполлик ва бошқа нарсаларга бермаган
нарсани беради”, дедилар» (Имом Муслим
ривоят қилган).

Риғқ мулойимлик, юмшоқлик демак-
дир. Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят
қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
ва саллам: “Мулойимлик қайси бир нарса-
да бўлса, унга зийнат бўлади. Қайси бир
нарсадан мулойимлик суғуриб олинган
бўлса, унга айб бўлади”, дедилар» (Имом
Аҳмад ривоят қилган).

Демак, мулойимлик бор жойда хайр ва
барака бўлади. У йўқ бўлса, яхшиликлар
ўрнини ёмонликлар, фитналар ва ихти-
лофлар эгаллайди. Мулойимлик энг гўзал
фазилатлардан бири бўлиб, бир сўз билан
айтганда, бир ишни қўполлик ва заифлик
қилмай, мўътадил йўлда амалга ошириш-
ни ифодалайди.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу ан-
ҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам: “Ким мулойимликдан маҳрум бўлса,
яхшиликтан маҳрум бўлибди”, дедилар»
(Имом Байҳақий ривоят қилган).

НАСИҲАТНИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

Насиҳат қилишнинг ўзига яраша одоб
ва қоидалари бор. Тўғри келган киши дин
номидан гапириб кетавермайди. Бунга
ҳаққи ҳам йўқ. Дин – ҳассос соҳа. Етарли
илмга эга бўлмай насиҳат қилиш кўпинча
ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Насиҳат қилмоқчи бўлган киши, авва-
ло, етарли илмга эга бўлиб, бошқалардан
олдин ўзи устозлардан кўрсатмалар олиб,
уларнинг тазкия ва ижозатларига эга
бўлмоғи лозим. Бу сифатларга эга бўлмаган
кишилар бирорвларга насиҳат қиласман деб
ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам адаштиради.

Насиҳат аҳлидан бўлган инсон эса ўзи-
га ушбу оятни асос қилиб олиши лозим:

**“Раббингнинг йўлига ҳикмат ва
гўзал мавъиза ила даъват қил”** (Наҳл
сураси, 125-оят).

Шунга кўра, Аллоҳ йўлига чақиравчи
кишига ҳикмат ва гўзал мавъиза ҳамроҳ
бўлмоғи лозим экан. Шундагина сўзи ўткир
ва таъсирли бўлади. Ҳикмат бир ишни му-
носиб феъл билан муносиб ҳолат ва муно-
сиб вақтда қилишга айтилади. Мавъиза эса
гўзал сифати билан васф этилмоқда. Аслида
мавъизаларнинг бир неча турлари бўлиб,
ҳикамий, хитобий ва жадалий бўлиши
мумкин.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали ваъз
айтиш услубини таълим бермоқда. Ваъз-
насиҳат айтиётган киши, аввало, вазият-
ни тўғри баҳолаши, унга мулойимлик ва
ҳикмат билан ёндошмоғи керак экан. Шунда
мақсадга мувоғиқ иш қилинган бўлади.

Мазкур оят Макка мушриклари мусул-
монларга қаттиқ озор бераётган вақтда
нозил бўлган. Шунда ҳам Аллоҳ таоло
ҳикмат ва гўзал мавъиза ила насиҳат
қилишга даъват этмоқда. Шундай экан,
насиҳат қилаётган кишилар, аввало, бу ай-
тилган сўзларига ўзлари амал қилишлари
авлороқдир.

Мулойимлик ва насиҳат қилишга оид
мавзуларга бежиз тўхтамадик. Кейинги
пайтларда мана шу айтилганларга бепарво-
лик натижасида кўпгина кўнгилсиз ҳолатлар
ва фитналар келиб чиқмоқда.

(Давоми бор.)

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ
 ﴿٥٦﴾ قَالَ وَمَنْ يُقْنَطُ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الضَّالُّوْنَ

“Албатта, мен Аллоҳга таваккал қилдим. У Раббим ва Раббингиздир. Ҳар бир ўрмалайдиган нарсанинг молики Удир. Албатта, Раббимнинг ишлари ҳақ ва адолатдир” (*Худ сураси, 56-оят*).

Ҳуд алайҳиссаломини дуоси

Ҳуд алайҳиссалом қавмини тинмай ҳақ йўлга чақирсалар-да, улар юз ўгиравердилар. Мушриклар имон келтириш ўрнига: “Сени олиҳаларимиз ёмонлик билан урибди”, дейишиди ва даъватидан тўхтатишга уринишиди.

Ҳуд алайҳиссалом: “Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қиласверинглар, менга муҳлат берманглар. Албатта, мен Аллоҳга таваккал қилдим. У Раббим ва Раббингиздир” (*Худ сураси, 55–56-оятлар*), деб уларга қарши турди.

Абу Жаъфар бундай дейди: «Оятнинг маъноси: “Менга ёмонлигинги тегмаслиги учун Унга – менинг ва сизнинг Раббингиз, Моликингиз, барча махлукотларни кузатиб турувчи Аллоҳга таваккул қилдим. Ер юзида ҳар бир ўрмалайдиган жонзотнинг молики Аллоҳ таолодир. Барча Унга бўйсунади ва Унга муҳтоҷ”. Шунинг учун: “Албатта, мен Аллоҳга таваккал қилдим. У Раббим ва Раббингиздир”. Фақат Унгагина суюндим».



“Ҳар бир ўрмалайдиган нарсанинг молики Удир”. Парвардигорнинг изнисиз ҳеч бир жонзот ҳаракат ҳам қиломайди, ҳаракатдан ҳам тўхтолмайди. Аллоҳ таоло истаса, вафот эттиради, истаса, ҳаёт беради. Шундай экан, барчангиз менга нисбатан бирон ёмонликни режалаштирангиз ҳам, уни амалга оширолмайсиз. Агар Аллоҳ таолонинг изни бўлсагина, қодир бўлишингиз мумкин. Шу боис мен сиздан эмас, Аллоҳ таолодан қўрқаман ва Унга суюнаман”.

“Албатта, Раббимнинг ишлари ҳақ ва адолатлидир”. Раббим мени юборган ва мен чақираётган йўл ҳақдир. Аллоҳ таолонинг ишлари ғоятда мустаҳкам, Сўзи ҳақ, ваъдаси ҳақ.

Мен Раббимнинг йўлига юрганман ва Унинг ёрдами ила мақсадга етишимда шубҳа йўқ. Сиздан заррача қўрқмаслигимнинг боиси ҳам шунда.

Аллоҳ таоло барча мавжудотларга, бандаларга зулм қилмайди. Аллоҳ фазлу карами ила уларга фақат яхшилик ва адолат қилади.

Тафсир китоблари асосида
Тошкент ислом институти
ўқитувчуси
Сурайё ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

Ҳотамтой САИД ИБН ОС

розияллоҳу анҳу

Бадрда отаси ва амакиси қатл этилганида Саид ибн Ос эндигина ўн икки ёшдаги ўсмир эди. Уни Усмон ибн Аффон Зиннурайн ўз қарамоғига олишига қариндошлиги сабаб бўлди.

Унинг хонадонида аёллари Руқайя ва Умму Кулсум кўз ўнгида парвариш, меҳр кўрди. Бу икки аёл пайғамбарлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг нуридийдалари эди. Саидга улуғлик ота-боболаридан қон билан ўтган эди. У Қуръонни Расулуллоҳнинг оғизларидан эшишиб ўрганди. Унинг тажвид-талафузи у зотнинг овозларига жуда ҳам ўхшаб кетарди. Шу билан чекланиб қолмай, у Усмон ибн Аффон халифалиги даврида Қуръонни Мусҳағга кўчириб, одамларга таълим берган ўн икки кишидан бири бўлиб танилди.

Ривоят қилинишича, бир аёл ўзидағи қимматбаҳо тўнни арабларнинг энг икромлисига назр қилмоқчи эканини айтганида, Саид ибн Осга беришни тавсия қилишади. Шундан кейин қимматбаҳо кийимлар унга нисбат берилиб, “Саидия” дейиладиган бўлди. Одамлар Саид ибн Осга хожалик ва сахийлик нисбатини бериб асло адашмаган эдилар. Муовия ибн Абу Суфён унга “Қурайшнинг карими” деган лақабни берди. Аллоҳ таоло Саидга ҳисоб-китобсиз мол-дунёни дарё каби оқизиб қўйди. Саид ҳам бу мол-дунёни ҳисоб қилиб ўтирумай муҳтоҷ ва факир бандаларга бериб юборарди. Саид ибн Ос ҳар жума куни молларини халтачаларга солдириб, ҳожатманд намоз-хонлар ёнига қўйиб кетарди. Улар намозни адо этиб бўлганларидан сўнг гап-сўзсиз берилган бу ҳадяларни олиб, шоду хуррам ҳолда уйларига қайтишарди.

Қорилардан бир киши унинг йиғинига келиб, Қуръон ўрганар, бироқ муҳтоҷлик етиб, қийналиб қолган эди. Шунда хотини: “Саид ибн Ос саҳоватда тилларда достон бўлган зот, агар унга бир оғиз айтсангиз, сизга ёрдам берарди”, дейди. Шунда қори:

“Эй шўринг қурғур хотин, бетимнинг терисини шилиб олмоқчимисан? Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон бундай қилишга юзим чидамайди”, деди.

Хуллас, унинг аҳволи оғирлашиб, хотини ҳам гапини қўймади. У иложи топилмагач, ҳар кунги одатига кўра яна Саид ибн Ос мажлисига борди. Одамлар тарқалиб кетганда ҳам у жойидан қўзғалмасди. Шунда Саид унга: Менда бир ишинг борга ўхшайди, деди. У жим ўтиради. Шунда Саид хизматкорларига ишларингизга боринг, деган ишорани қилди. Улар чиқиб кетгач: “Кўряпсанми, иккимиздан бошқа ҳеч ким қолмади, энди ҳожатингни айт, эй биродар”, деди. У яна сукутдан нарига ўтмади. Шунда Саид чироқни ўчириб, унга: “Аллоҳнинг раҳматига ноил бўлгур, менинг юзимни кўрмаяпсан, ҳожатингни айт энди”, деди. Шунда у тилга кириб: “Аллоҳ амирни ислоҳ қилсин, бизнинг бошимизга йўқчилик тушди, уни сизга айтишни маъқул кўрдим, лекин уялдим”, деди. Шунда Саид: “Кўп ташвиш чекма, тонг отгач, вакилим фалончига учраш”, деди.

Тонг отгач, муҳтоҷ киши Саид ибн Оснинг вакилига учради. Вакил унга: “Амир сенга бир нарсалар бермоғимни буюрди, ўзинг билан уларни кўтариб кетишига одам олиб кел”, деди. У ёрдам берадиган ҳеч кимим йўқ деб, хотинининг олдига қайтди. Хотинига маломат қилмай шундай деди: “Сен Саид ибн Осга юзимнинг сувини тўкишига мажбур этдинг, у менга бир ўзим кўтариб кетолмайдиган мол беришни буюрибди. Ўйлашимча, ун ёки бирор озиқ-овқат бермоқчи бўлса керак. Агар пул бермоқчи бўлганида уни кўтаришига одам шарт бўлмас, қўлимга тутқазган бўларди”. Хотини хурсанд бўлиб: “Нима берса ҳам олаверинг, биз унга муҳтоқмиз”, деди.

У яна вакилга бориб учрашди. Вакил шундай деди: «Мен амирга: “Сиз берган нарсаларни кўтариб кетадиган кишиси йўқ



экан”, дегандим, анови уч қулни ёрдамга жүннатибди». У мұхтож киши хизматкорлар олдига тушиб йўл бошлади. Нихоят, уйига етиб боргач, қарасаки, ҳар бирининг бошида ўн минг дирҳам солинган идиш бор экан. Олиб келган нарсаларини қўйиб, қайтиб кетаверинглар, деб хизматкорларга жавоб берди. Улар эса: “Бизни сенга амир ҳадя қилди. Чунки у қули билан бирга бировга ҳадя жўнатса, қул ҳам ўша ҳадя қаторида бўлади”, дейишид.

Бир аъробий Сайд ибн Ос олдига нарса сўраб келди. У беш юз дирҳам беришни буюрди. Шунда вакил: “Беш юз дирҳамми ёки беш юз динорми?” деб сўради. Амир: “Беш юз дирҳам, дедим. Нега сен беш юз динор деб ўйладинг? Майли, сен айтганча, беш юз динор бўлақолсин, беравер”, деди. Аъробий шунча пулни кўриб, ҳайратдан йиғлаб юборди. Сайд: “Нима бўлди, ҳадянгни олмадингми?” деди. У: “Олганман, лекин ер қандай қилиб бир куни сенга ўхшаганларни “ютар” экан, сендай киши ҳам ўладими-я... Шунга бағри доғман”, деди.

Сайд ўғли Амрга: “Эй ўғлим, ҳадя бермоқчи бўлсанг, сўрамасидан олдин бергин. Аммо олдинга келган кишининг юзини ҳаёдан қизарганини кўрсанг ёки берармикин, бермасмикин деган хавотирда келган бўлса, Аллоҳга қасамки, бор молингни берсанг ҳам, унинг шу аҳволига арзимайди, шу хижолатли ҳолатига ҳеч нарса тенг келмас. Шуни ёдингда тут”, деб насиҳат қиласди. Сайд ибн Оснинг қазоси яқинлашгач, болаларини тўплаб бундай деди: “Эй ўғилларим, вафотимдан кейин дўстларим ортимдан аттанг деб қолишмасин. Мен ҳаёт пайтимда бериб турган ҳадяларни узмай беринглар ва сиз-

лар ҳам нафақаларни беринглар. Уларни сўраш хижолатидан қутқаринглар. Ким бир ҳожатини сўраб келса, унинг аъзойи бадани титраб, рад этса нима бўларкан, деб хавотирда туради. Аллоҳга қасамки, албатта бир кишининг сизларни ўз ҳожатини адо этишига ишонган ҳолда бемалол ухлаб тонг оттириши уларга бирон нарса берганларингдан улуғроқ ишдир”.

Сайд ибн Ос вафот этгач, “Ашдақ” лақаби билан танилган ўғли Амр ибн Сайд бу хабарни етказишга Дамашққа – Муовия ибн Абу Суфён хузурига борди. Буни эшитган Муовия истиржоъ айтиб йиғлади ва Амрга: “Отангнинг қанча қарзи қолган?” дея илтифот кўрсатди. “Уч юз минг дирҳам”, деди. Муовия бу қарзни узишни ўз бўйнига олди. Шунда ўғли: “Отам менга қарзимни фақатгина ўз ерларимни сотиб адо эт, деб васият қилган”, деди. Муовия ерни қарзни тўлашга етадиган нарҳда сотиб олди.

Амр ибн Сайд Мадинага қайтиб, бир жарчига: “Кимнинг Сайд ибн Осга берган қарзи бўлса, ўғли Амрнинг олдига келсин, қарзни узади”, деб нидо қилишни буюрди. Шунда олдига бир йигит “Йигирма минг дирҳам” деб ёзилган бир парча терини кўтариб келди. Амр қандай қилиб отаси бунча қарз бўлиб қолганига ҳайрон қолди. Йигит: «Отангиз ўз ишидан қайтаётган эди. Мен унинг изидан қолмадим. У мени кўргач: “Менда бирон ишинг борми?” деди. Мен: “Йўқ, лекин шундай вақтда ёнингизда тургани келдим”, дедим. Отанг: “Аллоҳ сенга ёр бўлсин. Менга сиёҳ билан бир парча терини топиб кел”, деди. Унинг айтганини қилдим. У бир парча терига “Йигирма минг дирҳам берилсин”, деган васиқа ёзиб, деди: “Эй биродаримнинг ўғли, молимиз, ғалламиз келса, атаганимизни сенга берамиз”. Шунда Амр отаси айтган молнинг устига яна қўшиб берди. Шунда одамлар: “Ким орқасида Амр ибн Сайдга ўхшаган ўғилни қолдирган бўлса, у вафот этмабди”, дейишиди.

Аллоҳ Китобининг ҳофизи, сахий ва хотамтой Сайд ибн Осдан Аллоҳ рози бўлсин ва қабрини нурга тўлдирисин!

**Манбалар асосида
Бобомурод ЭРАЛИ тайёрлади.**

Муқаддас Китоб жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилган. Шу боис унинг таржима нусхаларини дунёнинг ҳамма жойида учратиш мумкин.

Қуръони карим таржимони

Одамларнинг Ислом динига бўлган қизиқиши ва эътиқоди ортиб бориши билан Қуръони каримни бошқа тилларга ўгириш ишлари такомиллаша борди. Масалан, англиялик Жорж Сале Қуръони карим маъноларини инглиз тилига ўгирди. Бу ҳақда Иброҳим Марзуқнинг "Leaders Guide" китобида қайд этилган.

Жорж Сале 1697 йилда Лондонда туғилган ва 1736 йилда вафот этган. Сале Кентерберидаги қирол мактабида таълим олган. 1720 йилда у христиан билимларини тарғиб қилиш жамиятини ўз ичига олган "Ички маъбад" институтига ўқишига киради. Шу билан у инглиз шарқшуноси бўлиб етишади. Олим араб, иброний тилларини яхши ўрганади ҳамда ўлемидан икки йил аввал, яъни 1734 йилда Қуръони карим таржимасини тугаллаб, нашр эттиради. Шунинг учун у катта шуҳрат қозонади.

Француз ёзувчиси ва файласуфи Вольтер ўзининг "Dictionnaire Philosophique" луғатида ёзишича, Жорж Сале умрининг 25 ийлини Арабистон ярим оролида ўтказган. У ерда араб тили ва ҳалқининг ўзига хос урф-одатларини синчиклаб ўрганган.

Жорж Сале Қуръони каримни лотин тилига таржима қилиш билан машҳур бўлган италиялик католик руҳонийси ва шарқшунос олими Луиджи Моршини ўзига устоз деб билган, унинг олдида ўзини қарздор санаган. Боиси, у Моршининг таржимасидан кенг фойдаланган.

2006 йилги АҚШ Конгрессига сайловларда ғалаба қозонган Кейт Эллисон Миннесота штатидаги демократлардан биринчи мусулмон вакилдир. У 2007 йил январ ойида 1734 йили Жорж Сале томонидан таржима қилинган Қуръони каримнинг "Алкоран" номи билан машҳур нусхасига қўл қўйиб, қасамёд қилган. Конгресс кутубхонасининг нодир китоблар ва махсус тўпламлар бўлимидаги ушбу икки жилди таржима 1815 йилда Қўшма штатлар асосчиларидан бири Томас Жефферсон томонидан Конгрессга сотилган 6500 га яқин китоблардан биридир.

Қайд этиш жоиз, Қуръони карим 1746 йилда Жорж Сале таржимаси асосида немис тилига ҳам таржима қилинган.

Оятуллоҳ АБДУҚОДИРОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институти талабаси

Намознинг ҳикматлари

- Намоз Исломнинг иккинчи рукни, ибодатларнинг онаси, тоатларнинг асоси, гуноҳларни юувучи, ёмонликларни қайтарувчидир.
- Намоз калимаи шаҳодатдан кейинги энг улуғ фарздир.
- Намоз банданинг Аллоҳ ила боғланиш воситасидир.
- Намоз ютуқ ва нажотлар йўлидир.
- Намоз – хато ва гуноҳларни ювишнинг энг ишончли йўли.
- Намоз мўминга кўплаб шахсий фойдалар келтиради.
- Намоз намозхонни Аллоҳ таолоға яқин қиласиди, унинг иродасини мустаҳкамлайди.
- Намоз инсонни дунё матоҳларидан ўзини юқори тутишга ўргатади.
- Намоз мўминга мислсиз нафсоний роҳат ва руҳий фароғат бахш этади.
- Намоз ўқийдиган одам ғафлат уйқусидан қутулиб, ушбу ҳаётдаги ўз масъулиятини сидқидилдан адоэтадиган бўлади.
- Намоз кишига интизомли бўлишни, ҳамма ишларни тартибли равища йўлга қўйиши, вақтни тежаш ва тартибга солиши ўргатади.
- Намозхон одам ҳилм, хотиржамлик, шошилмаслик, виқор, сабр каби юксак фазилатларга эга бўлади.
- Намоз мўминни турли иллатлардан холи бўлишга олиб боради.
- Намозхон одамни ҳамма хурмат қиласиди, унга ишонади.
- Намоз поклик рамзиdir. Намозхоннинг бадани, кийим-боши ва макони пок бўлади.
- Намоз кишининг руҳий, маънавий ва жисмоний соғлиги учун ниҳоятда зарур экани ҳозирги кунда кофирга ҳам сир эмас.

"КИФОЯ"
китобидан олинди.

Ислом дини таълимотида нимаики яхши деб буюрилган бўлса, у яхши, нимаики ёмон деб қайтарилган бўлса, ўша нарса ёмондир. Зотан, шариатимизда инсонга зарар етказувчи ҳамма нарса ман этилган. Шулардан бири гиёҳвандлик балосидир.

Ақлни кетказувчи нарсалар ҳаром қилинган

Аъроф сураси 157-оятда: "...У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиласди ҳамда уларнинг юкларини ва устларидаги кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди. Бас, унга имон келтирган, уни улуғлаган, унга ёрдам берган ва у билан бирга нозил қилинган нур (Қуръон)га эргашгандар, айнан ўшалар (охиратда) нажот топувчи кишилардир", дейилган.

Гиёҳвандликка ружу қўйиш аслида Аллоҳ ва Унинг Расули амрига бўйсунмасликдан келиб чиқади. Шу маънода, руҳий тарбия ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Оила, маҳалла ҳамда таълим масканларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зоро, фарзанд бир нозик ниҳол кабидирки, қандай парваришиланса, шундай бўй кўрсатади.

Умму Салама розияллоҳу анҳо айтади: **“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва сал-**

лам ҳар қандай маст қилувчи, баданни бўшашибирувчи ва сусайтирувчи нарсалардан қайтардилар” (Имом Абу Довуд, Имом Аҳмад ривояти).

Афсус, бугунги кунда айрим ёшлар “Трамадол”, “Лирика” каби психотроп дори воситалари истеъмолига ружу қўйишишмоқда. Бу дори воситалари гиёҳванд моддалар каби маст қилиш, ақлини йўқотиш хусусиятига эга.

Бундан ташқари, баъзи ўсмиirlар чилим чекишни одат қилишишмоқда. Чилим инсон саломатлигига зарар келтириши тиббиётда исботланган.

Аллома ибн Ҳожар Маккийнинг “Фатавои кабир” китобида: “Гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишда бир қанча заарлар мавжуд: у инсон тафаккурини ўтмаслашибирди, тананинг турли касалликларга чидамлилигини йўқотади, хотирани сусайтиради, бош, юрак, сил, истисқо хасталикларини юзага келтиради, ибодатдан тўсади, шарму ҳаёни кетказади, инсоний муносабатлар ва мурувватга зарар етказади”, деб ёзилган.

Шу билан бирга, бу каби заарли иллатлар инсонни ўта ялқов, камфайрат, оиласа бепарво, ҳамиятсиз, жинсий заиф қилиб қўяди.

Гиёҳвандлик оғатидан ҳалқимиз ҳамда фарзандларимизни асраб-авайлаш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани “Имом Султон” жоме
масжиди имом-хатиби



Ислом дини адолат ва тенглик асосида барпо этилган. Аллоҳ таоло-нинг ҳар бир амри ёки қайтариғида адолат ва бандалар манфаатини кўрамиз. Парвардигор жорий қилган барча ҳукмларда бандаларнинг иккى дунё баҳт-саодати туради. Жумладан, мерос борасидаги ҳукмларни ҳам чуқур ўрганар эканмиз, ушбу ҳақиқатга яна бир бор иқрор бўламиз.

Мерос: руқнлари, шартлари, олиш сабаблари

*М*ерос – ҳар бир вориснинг улушкини аниқлаш қоидаларини ўрганадиган фан. Ислом мерос ҳуқуқининг манбай дунёвий мерос ҳуқуқи, Қуръони карим оятлари ва Пайғамбар алайхиссалом суннатларига асосланади.

Мерос илмининг бир номи фароиздир. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “Отаоналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларга насиба бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларга ҳам насиба бор. У оз қолсин, кўп қолсин – ўлчаб қўйилган насибадир” (*Нисо сураси, 7-оят*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиласидар: “Фароизни ўрганинглар ва уни ўргатинглар. Албатта, у илмнинг ярмидир. Аниқки, у ёддан кўтарилиб кетади ва у умматимдан биринчи бўлиб сугуриб олинувчи нарсадир” (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Набий алайхиссаломнинг мерос илмини ўрганишга тарғиб қилишлари унинг жамият учун жуда зарур экани, кўп одамлар бу илмга эътиборсизлиги ва унинг тез унтилишидир. “Қуръонни ўрганинглар ва уни одамларга ўргатинглар, фароизни ўрганинглар ва уни одамларга ўргатинглар. Мен вафот этгувчи инсонман. Ва албатта илм тезда кўтарилиб кетиб, фитналар зоҳир бўлади. Ҳаттоқи, мерос масаласида келиша олмаётган иккى инсоннинг орасини ажрим қилиб берувчи одамни топа олмай қоладилар” (*Имом Байҳақий ривояти*).

МЕРОСНИНГ РУҚНЛАРИ

Улар учтадир: 1. Мерос қолдирувчи – вафот этган мусулмон киши. 2. Меросхўр

– мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳаёт бўлган ёки ҳаёт бўлганинг ҳукмидаги меросга ҳақдор мусулмон киши. 3. Мерос қолдирувчидан қолган мол-мулк. Булар тарика, яъни меросхўрлар учун қолдирилган нарса ҳам дейилади.

Шарзий ҳуқуқлар – савдо моли айбли чиққанида танлаш шарти, қози томонидан белгиланган қасос олиш ҳақи, қарзни олиш учун гаровга қўйилган нарсани ушлаб туриш ҳақи кабилар. Аммо барча шарзий ҳуқуқлар ҳам мерос бўлиб қолавермайди. Масалан, савдони муайян муддатда юргизиш ёки тўхтатишини ихтиёр қилиш шарти, савдо молини сотиб олгач, кўриш шарти ва ижара шартномаси кабилар мерос бўлиб ўтмайди.

МЕРОСНИНГ ШАРТЛАРИ

Меросда учта шарт бор:

1. Мерос қолдирувчининг ўлими.
2. Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрнинг ҳаёт бўлиши.
3. Мерос олиш сабабларидан бирининг топилиши.

Аввалги шарт мерос қолдирувчининг ўлими. Ўлимнинг турлари “ҳақиқий вафот” ёки “ҳукмий вафот” ёки “тақдирий вафот”лардан иборат. “Ҳақиқий вафот” деганда инсоннинг биологик жиҳатдан ўлиб, ёруғ дунёни тарк этиши. “Ҳукмий вафот” деганда инсоннинг бедарак йўқолганидан сўнг қози уни вафот этган деб ҳукм қилиши ёки тирик ҳолида динидан қайтишидир. “Тақдирий вафот” деганда – онага нисбатан жиноят қилинганда тушиб қолган ҳомила тушунилади. “Онага нисбатан жиноят қилиш” деганда ҳомиладор аёлни уриш, қаттиқ қўрқитиши тушунилади.

Ҳанафий мазҳабида гўдакнинг тана аъзолари кўриниб, билиниб қолган бўлса, мерос олади ва мерос қолдиради. У туғилганда онаси тирикми ёки вафот топганми, фарқи йўқ. Зеро, жиноят вақтида она ҳам, бола ҳам ҳаёт эди.

Кейинги шарт меросхўрнинг ҳаёт бўлиши. Ҳаёт ҳам икки кўринишга эга: “ҳақиқий” ва “тақдирний”. “Ҳақиқий ҳаёт” – инсоннинг тирик бўлиб, одамлар орасида юриши. “Тақдирний ҳаёт” деб мерос қолдирувчи вафот топишидан аввал она-нинг қорнида пайдо бўлган ҳомилага айтилади ва туғилиши шарт қилинади. Мерос қолдирувчининг вафоти вақтида меросхўр тирикми-йўқми, аниқ бўлмаса, у тарикадан ҳеч нарсага ҳақдор бўлмайди.

Мерос сабабларидан бирининг топилиши. Масалан, бир киши вафот этгач, ортидан қариндоши деб танилган одам қолди. Аммо ўша қариндошнинг майиттага нисбатан қандай қариндош экани, яқинлик даражаси номаълум. Бу ҳолатда у меросдан улуш олмайди. Шунингдек, зино сабабидан дунёга келган фарзанд – шаръий жиҳатдан насаби бўлмагани сабабидан мерос олмайди. Аёл ҳомиладор ёки туққан ҳолида ўша фарзандга нисбатан ўзаро лиъон айтишган эр-хотиннинг фарзанди ҳам ота тарафдан насаби бўлмагани учун ота тарафдан мерос олмайди ва ота тарафга мерос қолдирмайди. У она тарафлама мерос олади ва қолдиради.

МЕРОС ОЛИШ САБАБЛАРИ

- Насаб (қариндошлиқ).
- Никоҳ.
- Вало (ҳукмий қариндошлиқ).

Мерос олишнинг биринчи сабаби “насаб”. Насаб қаробат, қариндошлиқ демакдир. Яъни туғилиш туфайли мавжуд бўлган ҳар қандай ўзаро боғлиқлик. Бунга “фарз эгалари”, “асабалар” ва “завулархомлар” киради. Қаробатни “ҳақиқий насаб” деб ҳам аталади. Ояти каримада марҳамат қилинади: “**Аллоҳ сизга фарзандларингиз борасида амр этади: бир ўғилга икки қиз насибаси. Агар улар иккитадан кўп (аёл) бўлсалар, уларга у (ота) қолдирганинг учдан иккиси. Агар**

қиз битта бўлса, унга ярми. Агар унинг боласи бўлса, у қолдирган нарсадан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир. Агар унинг боласи бўлмаса ва ота-онаси меросхўр бўлса, онасига учдан бир. Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир. У қилган васият ёки қарзини адо этгандан сўнг...” (*Нисо сураси, 11-оят*).

2. Никоҳ. Никоҳ шаръий томондан тўғри тузилган бўлиши етарли. Аммо эр хотин орасида хилвати саҳиҳа бўлганми ёки йўқ, аҳамиятсиз. Ботил ва фосид никоҳда мерос олиш ва қолдириш жоријий бўлмайди. Ояти каримада марҳамат қилинади: “**Сизларга хотинларингиз қолдирган нарсанинг – агар уларнинг боласи бўлмаса – ярми тегади. Агар уларнинг боласи бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг тўртдан бири тегади. Улар қилган васиятни ёки қарзини адо этгандан сўнг. Уларга сиз қолдирган нарсанинг – агар болангиз бўлмаса – тўртдан бири тегади. Агар болангиз бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири тегади. Сиз қилган васиятни ёки қарзни адо этгандан сўнг**” (*Нисо сураси, 12-оят*).

3. Вало. Вало – қўулликдан озод қилиш илиа вужудга келувчи ҳукмий қаробат. Буни яна “ҳукмий насаб” ҳам дейдилар. Хожа ўз қулини озод қилгач, ўша хожа унга меросхўр бўлади. Вафот этган кишининг бир вақтлар уни озод қилган хожаси, яъни мавлосидан бошқа ҳеч кими бўлмаса, у қолдирган мерос ўша хожагадир. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам жория Барира ҳақида: “**Вало (ҳукмий қариндошлиқ) озод қилган кишига бўлади**”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*). “**Вало (ҳукмий қариндошлиқ) риштаси насаб риштаси кабидир**” (*Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).

Валода фақат озод қилган шахс меросхўр бўла олади. Озод қилинган тараф меросхўр бўла олмайди.

(Давоми бор...)

Сайджамол МАСАЙТОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази бош мутахассиси



Фарзандингизга вақт ажратяпсизми?

Мактабдаги ота-она-лар мажлисида аксарият қатнашувчилар фарзандлари тарбиясида қийналётгани, болалари қайсар, қулоқсиз бўлиб бораётганидан но-лишди. Ўқитувчининг: “Фарзандингизга қанча вақт ажратяпсиз?” деган саволига жавобан кўпчилик лом-мим дея олмади.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда фарзанд тарбияси ўта нозик бўлиб қолди. Олдинлари гўдаклар акаси ё опаси этагини тутиб катта бўлар, бола юра бошлаганидан сўнг ота-онага у қадар оғирлиги тушмасди. Бугун эса бир гўдакка бутун оила овора. Унинг инжиқликларию тез-тез касал бўлишлари ҳар қандай

онани чарчатяпти. Бундан ҳам ёмони бола туғилибоқ телевизору смартфонлар таъсирига тушмоқда. Оқибатда уларда бетоқатлик, асабийлашиш, лоқайдлик, тажовузкорлик ва руҳий касалликлар кучайиб бормоқда. Бунинг инъикоси уларнинг юриш-туришларида акс этаётир. Бунга кейинги пайтда мактабларда юз бераётган турли нохушликлар, ўсмирлар орасида гиёҳвандлик, психотроп воситалар савдосига аралашиб қолиш, ўғрилик, ҳатто қотиллик содир этиш каби ҳолатларни айтиш мумкин.

Ўтган 2022 йил давомида судлар томонидан 75 мингдан ортиқ жиноят ишлари кўриб чиқилган. Шундан 22 минг нафари ёшлар, улардан 1 минг 773 нафари эса вояга етмаган болалардир. Афсус, бундай жиноят кўчасига кириб қолган болаларнинг кейинги тақдирни, ҳаётга қандай боқишлиари яна муаммоларни юзага чиқараверади. Бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун фарзандларимизга эътиборли бўлиб, тўғри йўлни кўрсатишимиз, қўлига смартфонлардан кўра, китоблар тутқазишимиз, кўпроқ вақтни улар билан бирга ўтказишимиз, энг асосийси, одобда ўзимиз намунага айланисимиз лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ислом динининг мазмун-мөҳиятини ўзларининг кундалик ҳаёт тарзлари, амаллари ва сўзлари орқали намоён қилиб, бутун умматга намуна бўлганлар.

“Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўпараларига келиб:
– Эй Аллоҳнинг расули, дин нима?
– деб сўради.

– *Гўзал хулқ*, – дедилар.

(У киши Сарвари оламнинг ўнг, чап ва орт томонларига ўтиб, яна уч марта шу саволни берди.)

– *Гўзал хулқ*, (гўзал хулқ эса) *ғазабланмаслигингдир*, энди тушун-



дингми?! – дедилар” (Имом Марвазий ривояти).

Исломнинг ҳақиқий моҳиятини англаган киши ўзини ислоҳ қилишга, ёмон иллатлардан холи бўлишга интилади. Фарзандларини ҳам шу йўлда тарбиялайди.

Афсус, бу борада намуна бўлаётган ота-оналар у қадар кўп эмас. Чунки кейинги пайтда айрим юртдошларимиз бетоқат, ўзидан бошқани кўрмайдиган бўлиб қолган. Одобу хушмуомалалиги ҳақида ҳам яхши гап айтиш қийин. Фарзанд тарбиясида қўпол, улар билан бир дастурхонда ўтиришга ҳам вақт ажратмаётганлар оз эмас. Бундайларнинг наздида оила таъминлаб қўйилса, мактабу репетиторга пул берилса бўлди, боланинг ўзи тарбияланиб қолади. Лекин фарзандга моддиятдан кўра, руҳиятига озуқа – меҳр-муҳаббат кераклигини англамайди. Қалбига инсонийлик уруғларини экиш кераклигини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бола эса, ўз ҳолича билганини қиласди. Натижада улғайгани сари унинг муаммолари юзага чиқаверади. Вақти келиб, кўз қувончи, ҳаёт мазмуни бўлган фарзанд ота-она бошига бало бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Ота болага гўзал одобдан яхшироқ нарсани бера олмайди*”, (Имом Термизий ривояти) деганлар ва бу борада барчага ўрнак бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари Аббос розияллоҳу анхунинг ўғиллари Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ ва Қусаййирни сафга туризиб: “*Ким менинг олдимга биринчи етиб келса, унга шундай-шундай нарса бор*”, дедилар. Улар Расули акрамнинг олдиларига чопиб келиб, у зотнинг беллари ва кўкракларига чиқишар, у зот уларни ўпиб эркалардилар (Имом Аҳмадий ривояти).

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Қайтар дунё

Қайсиdir китобда ўқиганим қуйидаги ҳикоя хаёлимдан кетмайди:

Бир эркак аёли билан жанжаллашиб қолиб, жаҳл устида бир-икки силкилайди. Тақдирни қаранг, аёли тўsatдан жон таслим қилди. Эр кўрқиб кетиб қаттиқ пушаймон бўлди. Чунки ўлдиришни асло истамаган эди. Хотинининг яқинлари энди ундан қасос олиши аниқ. Нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб, ҳар қандай чигал ва қийин ҳолатдан ҳам чиқиб кета оладиган маккор бир одамнинг хузурига борди. Унга бўлган воқеани сўзлаб бериб, вазиятдан чиқиш йўлини сўради. Маккор кимса айёrona маслаҳат беради:

– Ха, вазият оғир, лекин бир йўли бор. Сен бирорта кўркам, ёш йигитни алдаб уйингга чақир-да, уни ўлдир. Сўнг аёлингнинг жасадини ёнига киритиб қўй. Хотинингнинг қариндошлари келишса, мен буларни хиёнат устида тутдим ва жаҳл устида иккисини ҳам ўлдирдим дейсан!

Қотил эркак маккор кимса айтганидек қилди. Аёлининг қариндошлари келиб, иккита мурдани кўриб, айб ўз ожизаларида деб тушуниб, ҳеч нарса дея олмай, бошлари эгик ҳолда қайтиб кетишли.

Кеч бўлгани сабаб майитларни эртаси куни қабрга кўядиган бўлиши.

Ўша куни маккор кишининг ёлғиз ўғли уйига келмади. Фарзандининг бундай одати йўқ эди. Унинг кўнглига ғулғула тушиб, қаттиқ безовта бўла бошлади. Бир ноҳушликни кўнгли сезгандай, миясига қотилнинг ёнига бориш фикри келди. Уни топиб, нималар қилганини сўради.

Айтганингиздек қилдим.

– Қани, менга ўша йигитнинг жасадини кўрсат-чи?
– деди у.

Қотил уни уйига олиб кириб мурдани кўрсатди. Ўша баҳтиқора йигит маккорнинг ўғли эди. Фарзанд ўз отасининг қабиҳ ҳийласи ила ўлдирилганди!..

“Бирорга чоҳ қазима, ўзинг тушасан” деб бежиз айтишмаган. Шеърдаги ушбу сатрлар жуда тўғри айтилганига амин бўласан:

Бирорга чоҳ қазмоқ, нодонлар иши,
Дерлар: заҳар солмоқ, чаёнлар иши.
Жафо қилса, жафо топгай ҳар киши,
Алмисоқдан бери қайтар дунё бу!

Анвар ФУЛОМОВ,
мехнат фаҳрийси, Самарқанд



Ислом шиорлари масхара қилинмайды

Яқинда ижтимоий тармоқларда жума куни билан табриклиш борасида турли тушунмовчиликлар юзага келди. Айримлар жума билан табриклишни масхарабозликка айлантириб, ўзича сурату видеолар, ёзувлар тарқатишиди. Бу ҳолатни Рамазон ҳайити арафасида ҳам кузатгандик. Баъзилар ҳайит куни аниқ бўлмагани учун турли масхараомуз сўзлар билан шеър ёзиб оммага улашди.

Афсуски, жамиятимизда бундай енгилеллипи аудио, видео ва ёзма жўнатмалар тез оммалашади. Лекин диний масалаларда ҳазил қилиб бўлмайди. Бу ишни қилаётганлар эса билмасдан гуноҳ орттириб олаётгани ачинарли. Албатта, бу диний билимсизлик белгисидир.

Аллоҳ таолонинг шиорларини оёқости қилиш, улардан бирортасини масхара қилиш, камситиш, бехурмат қилиш, хўрлаш, менсимаслик, хор қилиш мўмин кишининг кофир бўлишига сабаб бўлади.

Илло, жума куни ҳам, ҳайит ҳам исломдан. Ислом таълимотига кўра “шиор”

сўзи “нишон”, “белги”, “аломат” маънолари ни билдиради. Аллоҳ таолонинг шон-шавкati, тажаллийси аломати бўлган нарсалар шиор ҳисобланади. Булар қаторига шариатимизда улуғланган зотлар – пайғамбарлар, сахобалар, тобеинлар, авлиёлар, уламолар, илм аҳллари ҳам, жума куни, Рамазон ойи, муқаддас ойлар, ибодат воситалари – тасбих, салла ва жойнамоз каби нарсалар ҳам киради.

Динимиз уламоларининг фатволарида бундай дейилади: *“Ким аzonни масхара қилса ёки Қуръони каримни енгил санаб оёқости қилса, ёки шаръий илмларни, ёхуд уламоларни масхара қилса, ибодатларни енгил санаб бажармаса ёки масжидни масхара қилса, кофир бўлади”* (“Famzu уюнил басоир шарҳ ашбоҳ ван-назоир” китоби).

Аллоҳ таоло Ислом шиорларини қадрлашга тарғиб қилган ва уларни топташ, масхара қилишдан қаттиқ қайтарган.

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариатнинг

шиорини паст санаганларни қаттиқ қоралаб, бундай деганлар: “*Аниқ биламанки, умматим ичидаги баъзи кимсалар Қиёмат кунида Тиҳома тоғи каби улкан ҳасанотлар билан оппоқ бўлиб келишади, лекин Аллоҳ таоло уларнинг амалларини тўзиган чанг каби қилиб қўяди*”. Шунда Савбон розияллоҳу анҳу: “Ё Расулуллоҳ, бизга уларни сифатлаб, очиқ баён қилиб берсангиз, билмасдан ўшалардан бўлиб қолмайлик!” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Улар сизларнинг биродарларингиз, сизларга ўхшаган одамлардир. Улар ҳам сиз каби тунлари ибодат қиласди. Лекин улар шундай одамларки, ёлғиз қолган вақтларида шариатнинг шиорларини топтайдилар*”, дедилар (Имом Ибн Можа ривояти).

Ислом динини, шариат аҳкомларини етказишдек улкан масъулиятни зим-масига олган уламолар шаънига ёмон сўзларни гапириш Аллоҳ ва Расулининг ғазабини келтирадиган ёмон ишдир.

Тоҳир Бухорийнинг “Хулосатул фатаво” асарида: “*Ким бир олимни зоҳирий сабабсиз ёмон кўрса, унинг диндан чиқиши хавфи бор!*” дейилади (Али Қорий, “Шарҳу Фиқҳил акбар”).

Илм аҳлини ҳурматлаш Аллоҳ таолони улуғлашдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “*Кексаларимизни ҳурмат қилмаган, кичикларимизга раҳм қилмаган ва олимимиз ҳаққини билмаган киши биздан эмас*”, деганлар (Имом Ҳоким ривояти).

Демак, билиб-бilmай, уламолар ва илм аҳлини, Ислом шиорларини масхара қилиш мўминга хос сифат эмас. Халқимизнинг миллий ва диний қадриятларини ҳурмат қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир.

Музaffer РАҲМОНОВ,
Навоий вилояти “Хўжа Сабр ота”
жоме масжиди имом-хатиби



Онага ҳурмат дарси

Бир йигит кекса отасини шифокорга олиб борди. Шифокор кўригидан қайтаётганда отахон: «Болам, очликни ҳис қиляпман», деди. Ўғил дарҳол отасини қиммат ресторонлардан бирига олиб борди. Ота кексалик сабаб қўли қалтирас, таомланаётган пайтда овқат унинг либосларига ва ерга тўқилар эди. Бу ҳолат ўша жойда ўтирганларнинг эътиборини тортди. Ўғил эса ўзини сокин тутиб, отасининг таомланниб бўлишини кутди. Отахон овқатланиб бўлгач, ўғли уни қўл ювиш хонасига олиб бориб, қўлларини, оғзини, юзини юваб, кийимларини тозалаб қўйди. Сўнгра таомланган стол ёнига бориб, тўқилган овқат қолдиқларини йиғишитирди. Кассага бориб ҳисоб-китоб қилгач, отаси билан ташқарига йўл олди. Ресторонда ўтирганлар ортларидан қараб қолишиди.

Энди машинага ўтиromoқчи бўлганларида ресторандан бир киши чиқиб, уларга яқинлашди ва ўғилга қараб: «Жаноб, сиз ресторанда бирор нарса қолдириб кетганингизни сезмадингизми?!» деди. У: «Йўқ», дея жавоб берди. Шунда бояги одам: «Сиз ахлоқ, инсонийлик ва ота-онага яхшилик қилиш борасида ресторанда ўтирганлар учун ибратли дарс қолдирдингиз», дея қувончини изҳор қилди.

Нозимжон ҲОШИМЖОН

*Ассалому алайкум ва
раҳматуллоҳи ва
баракотуҳ.*

СҮРАГАН

ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: Бурундан қон келганини сезиб бошни құттарса ва қон чиқмай қайтиб кетса, таҳорат бузиладими?

ЖАВОБ: Агар қон буруннинг юмшоқ жойига оққан бўлса, гарчи у ташқарига чиқмаган бўлса ҳам, таҳорат синади.

САВОЛ: Энди намоз ўқишни бошлаган аёллар бирор кишининг орқасида туриб намоз ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Аёллар ўзларига маҳрам бўлган эркакларга иқтидо қилиб аёллар билан намоз ўқишилари жоиз. Аммо номаҳрам инсон билан бирга намоз ўқий олмайди.

САВОЛ: Намозда пешонани ерга қўйганида (саждада) “Субҳаана роббиял азийм” деб қўйса, икки марта айтгач, учинчисида эсига келса, нима қилиш керак?

ЖАВОБ: Рукудаги тасбеҳни саждада, саждадаги тасбеҳни рукуда айтиб қўйса, зарари йўқ. Чунки рукуда “Субҳаана роббиял азийм” дейиш ва саждада “Субҳана роббиял аъла” дейиш суннатdir. Бундай пайт намозни қайта ўқиши ёки саждай саҳв қилиш лозим бўлмайди.

САВОЛ: Намозда кўп эснайман, ҳар эснаганимда қўлим билан тўсаман. 2 ёки 4 ракатли намозда 3 мартадан кўп эснайман. Намозда 3 мартадан кўп ҳаракат қилиш намозни бузади дейилган. Намозим бузилмайдими?

ЖАВОБ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Эснаш шайтондандир, ким эснаса, оғзини ёпсин”, деган мазмунда ҳадис келган.

Намозда эснаш масаласида эсноқ келгандა аввал иложи борича оғизни очмай, эснашни қайтаради, ҳеч иложи бўлмаса, тик турганда ўнг қўл кафти ичи билан, ўтирганда чап қўл кафти орқаси билан оғиз беркитилади. Оғизни беркитгани учун намоз бузилмайди.

САВОЛ: Намоздан кейинги ихтиёрий зикрларда қаъдада ўтирган ҳолатни ўзгартирмаи ўқиш керакми ёки оёқни бошқачасига ўзгартириб ўтиrsa ҳам бўладими?

ЖАВОБ: Намоздан кейинги зикрларни киши ўзига қулай ҳолатда ўтириб қиласверади. Асосийси, зикрларни қалб ҳузури билан қилишдир. Бошқа ихтиёрий зикрларда ҳам ҳукм шундай.

САВОЛ: Менга масжид бир оз узоқ бўлгани учун аzon овози қисман узилиб эшитилади. Шу вазиятда намозни ўқишим учун алоҳида аzon айтишим керакми?

ЖАВОБ: Доим масжидларида аzon айтилиб турадиган шаҳар ва маҳаллаларда яшовчилар уйларида аzon ва такбирсиз намоз ўқишилари жоиз, макруҳ бўлмайди. Лекин шунда ҳам аzon ва такбир айтиб намоз ўқишилари афзал бўлади.

Демак, сизнинг шароитингизда ҳам аzon ва takbir айтиб намоз ўқишингиз афзал бўлади.

САВОЛ: *Ҳар ракатда Фотиҳа сурасидан аввал басмала айтладими ёки ракат бошида Фотиҳадан олдин истиоза ва басмалани айтиши кифоями?*

ЖАВОБ: Биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан аввал “Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир роҳим” ва “Бисмиллахир роҳманир роҳим”ни, кейинги ракатларда эса Фотиҳа сурасидан аввал фақат “Бисмиллахир роҳманир роҳим”ни ўқиш суннатdir.

САВОЛ: *Мен келинойим билан бирга намоз ўқидим, намозим қабул бўладими? Ўзи номаҳрам билан намоз ўқиса бўладими?*

ЖАВОБ: Эркак киши уйда номаҳрам аёлларга имом бўлиб намоз ўқиши макруҳ бўлади. Агар у аёл билан бирга имомнинг маҳрамлари бўлса ёки унга иқтидо қилганлар орасида эркак киши бўлса, макруҳ бўлмайди (“Ал-Мухтасар фил-Фикҳил ҳанафий” китоби).

САВОЛ: *Юздаги доғлар бўйича косметологга борса бўладими?*

ЖАВОБ: Юздаги табиий доғларни табиий дори-дармонлар, суртиладиган малҳамлар билан кетказиш жоиз. Лекин табиий ҳолатдаги доғлар, модомики одамга айб бўлмаса, жарроҳлик амалиёти билан кетказilmайдi.

Касаллик ёки айб саналадиган доғларни эса маълум шаръий шартлар асосида косметик жарроҳлик билан даволаш жоиз.

САВОЛ: *Бошқа бир намоз вақти кираётган бўлса, фақат фарз намози ўқиладими? Дейлик, аср намози кишишига қирқ дақиқа ёки ярим соат вақт қолган бўлса, фақат фарз ўқиладими? Ёки аср вақтига 30 дақиқача қолгани учун пешин намози мутлақ ўқилмайдими?*

ЖАВОБ: Аслида имкон қадар намозларни аввалги вақтидан кечиктирилмагани мақсадга мувофиқ. Агар

биор жиддий сабаб билан намоз вақти кечикиб, кейинги намоз вақтигача ярим соат ёки ундан кам вақт қолган бўлса ҳам, суннат намоз ҳам, фарз ҳам ўз ўрнида ўқилади.

Суннат ўқигунча пешин вақти чиқиб кетар даражада оз фурсат қолган ҳолатда, такбир айтиб тезда фарз намоз ўқилади.

САВОЛ: *Баъзи алоқа компанияларida маҳсус ўйинлар бор. Унда шу ўйинга уланган одамнинг ҳисобидан маблағ ечиб олиб, ҳар куни ҳар хил дақиқа, СМС ва МБ берилади. Ўйинда иштирок этаётган шахс қандай ютуқ олишини билмайди. Шу ўйинда иштирок этиш жоизми?*

ЖАВОБ: Фуқаҳолар: “Мағлубларнинг молидан ғолибга берилиши шарт қилинган ҳар қандай ўйин қимордир”, деганлар (“Таърифоту Журжоний” китоби). Шундан келиб чиқиб, саволда сўралгани каби кўпчиликдан маблағ йиғиб, маълум бир кишилар ютуқ олиб кетадиган ўйинлар қиморга киради. Бундай ўйинларда иштирок этиш жоиз эмас.

САВОЛ: *Ўзим Бухоро вилоятиданман. Ҳафтада 3 кун Самарқандга ўқишига бораман. Ҳар ҳафта ўйдан қатнаяпман. Йўлда келаётганимда намозларимни қаср қилиб ўқииман. Бир китобда: “Мусоғир одам борган жойида 7 қундан 10 қунгача турса, ўша ерда ҳам намозини қаср қиласди”, деб ўқиб қолдим. Агар ундан кўпроқ вақт турмоқчи бўлса, намозларини ўз ҳолича ўқииверади, дейилган. Ҳозир мен Самарқандда 3 кун туриб яна уйимга кетаман, шу уч кунда ҳам намозларимни қаср қилиб ўқишим керакми?*

ЖАВОБ: Тўғри ўқигансиз. Сиз Самарқандга уч кунга келганингиз учун қаср ўқиисиз. Инсон сафар масофасига ўн беш кундан кам муддатга борса, қаср ўқийди. Валлоҳу аълам.

Сизга кимнинг моли суюкли?

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (саҳобалардан): **“Қай бирингизга ворисининг моли ўзиникидан суюклироқ?”** деб сўрадилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, ҳар биримизга ўз молимиз суюкли», дейшиди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Кишининг (ҳақиқий) моли берганидир”**, дедилар».

Мол-дунё ўткинчи, ишлатилгандан сўнг қайтариладиган, оталардан фарзандларга, фарзандлардан невараларга ўтувчи матоҳдир. Бугун бир шахснинг мулки, эртага ўзганини. Шундай экан, бойлигиниғанимат билиб, ундан (охиратдаги) тарозусини оғир қилиш учун фойдаланадиган киши улдабурондир. Боиси: «У кунда на молманфаат берар ва на болалар. Магар ким Аллоҳ хузурига тоза қалб ила келса, (манфаат топар)» (*Шуаро сураси, 88–89-оятлар*).

Ҳадисда “суюкли” лафзидан мурод молдунёга ҳаддан ошмаган тарзда интилиш.

Тасдиқ ва етарлича изоҳдан сўнг Набий алайҳиссалом мақсадга ўтиб: **“Кишининг (ҳақиқий) моли берганидир, бермагани ворисларники”**, дедилар. Яъни, агар ўз молингиз ворисникидан суюклироқ бўлса, билингки, ҳақиқий мулкингиз турли яхшиликка сарфлаганингиз ҳамда Аллоҳ таоло йўлига инфоқ қилиш билан абадий фойдаланишга эришганингиздир.

Ўзингизга сарфлашга баҳиллик қилиб, ҳалол йўлда фойдаланмай, мискин ва фақирларга бермай, Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмай тўплаганингиз эса мулкингиз эмас, балки у ворисларнидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам **“ворисининг молидир”** деб мерос қолдирувчига у тириклигигидаёқ моли ворисники демоқдалар. Яъни, мерос қолдирувчи фойдаланмаса, унинг моли ворисига ўтиб кетади. Чунки ворис меросини яхшилик йўлига ишлатгани учун манфаат олади, мерос қолдирувчи эмас. Агар ворис молни гуноҳ ишларга сарфласа, бундан ҳам мерос қолдирганга фойда бўлмаслиги аниқ. Аллоҳ сақласин.

Мерос қолдирувчи молни тўплаш учун тер тўкади, лекин ўзи фойдаланмайди.

Вафотидан сўнг меросхўрлар ҳам мулкни яхшилик йўлида инфоқ қilmайди. Бу эса кишининг Аллоҳ таоло йўлида сарфлаши лозим бўлган молига қўйган муҳаббатига хилофдир. Чунки ҳадисда зикр этилаётган “муҳаббат”дан мурод молни абадий сақлаш, зое бўлишидан асрашдир. **“Сизнинг хузурингиздаги нарса тугайди. Аллоҳнинг хузуридаги нарса эса бокийдир”** (*Наҳл сураси, 96-оят*).

Молни инфоқ қилиш Набий алайҳиссаломнинг Саъд розияллоҳу анҳуга: **“Оиласнги бой қилиб қолдиришинг уларни фақир қолдиришингдан яхшироқдир”**, (*И мом Бухорий ривояти*) деганларига муҳолиф келмайди. Саъд розияллоҳу анҳу учун айтилган ушбу ҳадис молнинг барчаси ёки (ўлим олдидаги) қасаллик туфайли катта қисмини инфоқ қилиб юборувчиларга тегишли дейилади. Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳам шундай. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Масъуд ва бошқа саҳобаларга дунёда соғ-омон юрганларида охиратда фойда берадиган ишларга молни сарфлашга қизиқтириш учун айтганлар. Гўёки Набий алайҳиссалом иккала ҳадисда мусулмон ўзини ҳам, ворисини ҳам манфаатини кўзлаб, барча молни сарфлаб юбормаслиги ёки ҳаммасини сақлаб қоламан деб баҳиллик қилмаслиги кераклигини таъкидлагандеклар. Зоро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Улар инфоқ қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар”** (*Фурқон сураси, 67-оят*).

Манбалар асосида
Юлдуз КОМИЛОВА
тайёрлади.

Тошлоқ туманилик мухлисимиз таҳририятга хат йўллаб, 13 йилдан буён қуруқ тухматга қолаётгани, бунинг ортидан анча ғам чекаётганини алам билан ёзибди. У ўз мурожаатида тухматнинг ёмонлиги ҳақида мақола беришимизни илтимос қилган ва бу кўпчиликка бир эслатма бўлишини истаган.

Тухматнинг охирни вой

Дарҳақиқат, тухмат – бир инсон қилмаган ишни қилди, сўзламаган сўзини гапирди, дея ёлғон гувоҳлик бериш, иғво-бўхтондир. Бу иллат инсон ҳаёти издан чиқишига, ўзаро душманликка, низога сабаб бўлади. Шунинг учун ота-боболаримиз тухмат балосидан арасин, деб дуо қилишган. Чунки тухмат катта оғатларга тенгдир.

Тарихда кўплаб пайғамбару уламолар ҳам тухматга дучор бўлишган. Бунга яққол мисол қилиб, Юсуф алайҳиссаломнинг зинданга тушишию, Ойша онамиз билан содир бўлган машҳур “Ифк” воқеасини айтиш мумкин. Айниқса, Ойша онамизга фитначилар томонидан қилинган тухмат бутун Ислом умматига оғир келди. Ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам оят нозил бўлмагунича бир ой ни ма қилишни билмай қолдилар. Саҳобалар замга ботишиди.

Ойша онамиз тинимсиз кўз ёш тўқди. Қачонки Аллоҳ таоло Ойша онамизни оқлаб Қуръони каримда: «Албатта, (бузук ниятлардан) бехабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиласиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатга дучор бўладилар. Улар учун улуғ азоб бордир. У Кун (қиёмат)да қилиб ўтган (бўхтонлари) сабабли уларнинг тиллари ҳам, қўлу оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур» (*Нур сураси, 23–24-*) оятларини нозил қилганидан сўнггина барча дард-аламлар ариди.

Бундай воқеалар асрлар оша доим бўлиб турган. Мисол учун, И мом Бухорий кемада сафарга чиққанида бир йўловчи у кишининг ёнида 1000 танга пули борлигини билиб, уни ундириш мақсадида тухмат қилмоқчи бўлади. Буни сезган олим пулни денгизга улоқтириб юборади ва шу зайлда тухматдан халос бўлди.

Шунингдек, ўтган асрнинг 30–40-йиллари юртимиздаги қатағон сиёсати туфайли минглаб зиёли ота-боболаримиз тухмат ва бўхтон билан олий жазога тортилгани барчамизга маълум. Унинг мудҳиш оқибатлари бугунги кунимизгача сезилади.

Афсуски, ўз нафси, манфаати йўлида бе-айб кишиларга тухмату бўхтон қилаётган кимсалар бугун ҳам бор.

Улар бойлик орттириш, мансабга ёки мол-мулкка эга бўлиш илинжида одамлар ҳаётига хавф солади. Кўплаб азоблар чекишига, ҳатто жавобгарликка тортилиб, қамоқقا тушишига ҳам сабабчи бўлади. Уларнинг бу қилмишлари учун қонунчилигимизда қатъий жазо тайинланган бўлса-да, охиратда ҳам бундай одамлар қаттиқ азобга гирифтор бўлади.

Бу ҳақда Абу Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким бир одамини айблаб, унда йўқ нарсани айтган бўлса, Аллоҳ таоло уни айтган нарсасидан халос бўлгунча жаҳаннам оловида куйдирраб туради**”, дейдилар (И мом Табароний ривояти).

Шуниси маълумки, тухматчилар у дунёбу дунё рўшнолик кўрмаслиги тайин. Қилган ишининг касри бир кун бўй кўрсатади. Жаннат башорати берилган ўн саҳобадан бири Саъд ибн Зайд розияллоҳу анҳунинг ҳаётида бўлган воқеа бунга мисол. Чунки у кишига бир аёл еримни тортиб олди дея бўхтон қиласиди. Бундан қаттиқ азият чеккан Саъд ибн Зайд аёлни баддуо қиласиди ва тухматчи йиллар ўтиб хору зор бўлиб оламдан ўтади. Бундай воқеалар бугунги ҳаётимизда ҳам учрайди. Ён-атрофимизда ўзгаларга озор бериб, ўзи ҳам бир кун азобга қолганлар кам эмас. Шундай экан, ҳар қандай ғийбат, тухмат каби иллатлардан узоқ бўлайлик, азизлар.

Ислом Йўлчиев



Тожикистоннинг бош масжиди



Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Қатар ҳомийлигига бунёд этилган марказий масжид расман очилди. Унга Имом Абу Ҳанифа Нўймон номи берилди.

Масжиднинг умумий майдони 12 гектар. Биноси 3 гектарни эгаллаган. У бир вақтда 133 000 намозхонни сиғдира олади.

Масжид баландлиги 74 метр бўлган 4 та минора, 21 метрлик иккита кичик бе-закли минора, 43 метрли катта чиройли гумбаз ва 35 метрлик 17 та кичик гумбаздан иборат. Масжид ичкарисида 6 та кенг ўқув хонаси, меҳмонларни қабул қилиш ва мажлислар ўтказиш зали, 2 та кутубхона, 9 та ўқув хонаси, 3 та меҳмонхона ва техник хизмат хоналари бор.

Мусулмон аёл тақдирланди

Ҳар йили Янги Зеландияда мамлакат ривожи, тинчлик-тотувлиги ва ўзига хос лойиҳаларни илгари сурган фаол фуқаролар “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланади.

Бу йил ана шу давлат ордени “Ан-Нур” болалар марказлари тармоғи асосчиси ва раҳбари ҳамда Янги Зеландия исломий аёллар кенгаши мутахассиси Мейсун Саламага топширилди.

Пиёда 8640 km

Ҳиндистонлик мусулмон Шиҳоб Чоттур ҳаж ибодатини адо этиш мақсадида 8640 km масофани яёв босиб ўтди.

У саёҳатини ўтган йилнинг июнь ойида бошлаган эди. Шиҳоб Саудия Арабистонига бориш учун Покистон, Эрон, Ироқ ва Кувайт давлатларидан ўтди.



Унинг саёҳати 12 ой 5 кун давом этди.

Саудияга етиб келгач, аввал Мадинада Пайғабаримиз равзаларини зиёрат қилди. Сўнгра Маккага бориш учун (440 km) 9 кун яёв юрди.

Шу тариқа ҳожи Шиҳоб Ҳиндистондан Маккага самолётда етиб келган онаси билан ҳаж арконларини адо этди.


200 миллион зиёратчи

Саудия Арабистони расмийлари ҳижрий 1444 йил якунларини сарҳисоб қилди.



Унга кўра Мадинадаги Масжидун Набавийга йил давомида 200 миллиондан ортиқ зиёратчи келган.

Қироллик расмийлари зиёратчилар сонининг кўпайишига 2022 йилда карантин чекловларини бекор қилингани сабаб бўлганини таъкидлашмоқда.



99 гумбазли масжид

Индонезиянинг Макассар порт шаҳридаги “Асмаул Хусна” масжиди 99 та гумбази ва юксак меъморчилик намунаси билан сайдхонларни ўзига жалб қилмоқда.

IQNA маълумотларига кўра, мазкур масжид Индонезиянинг сайдхонлик марказларидан биридир.

Масжид 2017-2022 йилларда 2 гектар майдонда қурилган. У икки қават ва ертўладан иборат. Биринчи қаватда катта хонақоҳ, таҳоратхона ва зарурӣ хоналар бор. Ушбу масжид 10 000 намозхонни сиғдира олади. Иккинчи қавати эса аёллар учун хосланган.

Масжид қурилишида ёруғ бўлиши учун ойналардан кенг фойдаланилган. Ҳаво айланиши ҳам табиийликка эътибор қаратилган.

70 ёшли талаба

Саудиялик Сальва Уммоний 70 ёшида Имом Абдураҳмон бин Файсал университетининг Санъат тарихи факультетини аъло баҳога битирди.



“Ниҳоят ҳаётимдаги орзуимга эришганимдан ғоят мамнунман. 50 йил аввал тўхтатиб қўйган ўқишимни битириш ўзига хос ютуқдир”, дейди у.

Сальва Уммоний 1971 йилда ўрта мактабни битириб, ўқишига кирган, бироқ оиласи бўлгач, давом эттира олмаган эди.

Қонун лойиҳаси маъқулланди

АҚШнинг Иллинойс штати қонун чиқарувчи органи давлат мактаблари, қамоқхоналар ва касалхоналарда фуқаролар талабига кўра ҳалол таомлар билан таъминлашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини маъқуллади.

Мусулмон фуқаролик кенгаши директори Жералд Ханкерсон бу лойиҳанинг маъқулланишини “тарихий лаҳза” деб атади ва бундай қонунлар бошқа штатларда ҳам қабул қилинишига умид билдири.




Иллинойс губернатори лойиҳани имзоласа, қонун 2024 йил июль ойидан кучга киради.

Ақлли робот

Саудия Арабистони ақлли роботлардан кенг фойдаланишини бошлади. Каъбатуллоҳда Каъбапӯш ҳақида гапиравчи робот технологияси жорий этилди.

IQNA сайти маълумотига кўра, Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавий Боз бошқармаси “Твиттер”га Каъба кисвасини сақлаш ва уни ўрнатиш ҳақида маълумот берадиган, Қирол Абдулазиз музейига ташриф буюрувчиларни кутиб олаётган робот ҳақида видеони жойлаштириди.



Бу робот зиёратчиларга араб, инглиз, француз, рус, форс, турқ, малай, урду, хитой, бенгал ва ҳауса тилларида музей ҳақида маълумот беради.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

“Саҳиҳи Бухорий”да аёлларга эҳтиром

Буюк муҳаддисларимизга таъна қилувчи, ҳадис ва сунната нисбатан оммада шубҳа уйғотувчи тоифалар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Буни айни кунларда Имом Бухорий ва “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига нисбатан ғаразли фикр-уйдирмалар қилаётган иймони заиф кимсалар мисолида ҳам кўрса бўлади. Бу каби илмдан бехабарларнинг илгари сураётган важларидан бирини ўрганиб чиқиб, ҳақиқат аслида қандай эканига ойдинлик киритсак.

Ўша тоифаларнинг аёллар шаъни камситилган ҳадислар борлиги даъвоси санад ёки лафздаги айрим тафовутлар билан такрорланиб келган бир неча ҳадисга асосланади. Масалан, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй аёллар жамоаси! Садақа қилинглар, чунки мен дўзах аҳлиниң кўпчилиги сизлар эканингизни кўрдим”, дедилар. Шунда аёллар: “Эй Аллоҳнинг Расули, нимага шундай?” дейишиди. У зот алайҳиссалом: “Лаънатни кўп ишлатасизлар, эрларингизга ношукурлик қиласизлар. Ақлли эркакнинг ақлини сизларга қараганда энг тез кетказадиган, ақли ва дини ноқис бўлган сизлар каби бирор кимни билмайман...” дедилар (Имом Бухорий ривояти, 298-ҳадис) ҳадиси, “Касал юқиши ҳам, шумланиши ҳам йўқдир. Бахтсизлик фақатгина уч



нарсада: от, аёл ва ҳовли-жойда бўлади (Имом Бухорий ривояти, 5438-ҳадис) ҳадиси ёки “Аёлларга хайриҳоҳ бўлинглар. Чунки аёл киши қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг қишиқ жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман десанг, синдириб қўясан. Агар ўз ҳолига қўйсанг, қишиқлигича қолади. Шундай экан, аёлларга хайриҳоҳ бўлинглар” (Имом Бухорий ривояти, 3153-ҳадис) ҳадиси шулар жумласидандир.

“Саҳиҳи Бухорий”да аёлларнинг шаънига тааллуқли юзлаб ҳадислар келган. Шулардан бири: “**Бир аёл мушук сабабли дўзахда азобланди. У мушукни қамаб қўйган эди. Шу сабабли жаҳаннамга кирди. Қамаб қўйганга яраша таом ҳам, ичимлик ҳам бермади ёки ер юзида ризқини топиб ейшига ҳам қўймади**” ҳадисидир. Ақл соҳиби борки, шу ишни эркак киши қилганда ҳам оқибати айнан шундай бўлишига шубҳа қилмайди. Демак, бу “Саҳиҳи Бухорий”даги ҳадисларда аёллар шаъни камситилган, деб даъво қилишга сабаб бўла олмайди. Шунингдек, бу ҳадисларнинг аксарияти шаръий хукмни баён қилиш ёки панд-насиҳат бериш, тўғри йўлга йўналтириш маъносида келган, демак, уларда мақтов ҳам, таъна қилиш ҳам йўқ.

Имом Бухорий бошқа саҳих тўпламлардаги аёллар ҳақида гап кетган ҳадисларнинг айримларини саҳихга чиқармаган. Масалан, Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинганд мана бу ҳадислар:

«У кишининг ҳузурларида намозни кесадиган нарсалар зикр қилинди. “Намозни ит, эшак ва аёл киши кесади”, дедилар. Бас, у киши: “Батаҳқиқ, бизни итларга тенг қилдингизлар”, дедилар».

Бошқа бир ривоятда эса: “Батаҳқиқ, бизларни эшаклар ва итларга ўхшатдингиз. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётганларида мен у киши билан қибланинг орасида бўлган ҳолатларим бор. Мен сўри устида ёнбошлиб ётар эдим. Агар бирор ҳожатим чиқиб қолса, у кишига юзланиши ёқтиримай, секин сурилиб чиқиб кетар эдим”, дейилади.

Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳих”да Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан замондош бўлган, у зотнинг даъватларидан таъсирланган аёлларни намуна сифатида тилга олган.

Ойша розияллоҳу анҳо ғазотларнинг бирида Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга эди. У опаси Асмонинг мунчоғини ҳам ўзи билан олганди. Ойша розияллоҳу анҳо ўша мунчоқни йўқотиб қўйди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у зотга қўшилиб одамлар ҳам мунчоқни излашга тушишди. Ҳатто баъзилар Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдига бориб: “Ойша нима иш қилганини кўрмайсизми? Расулуллоҳ ва одамларни сувсиз қолдирди”, дедилар. Шунда у Ойша розияллоҳу анҳонинг олдига бориб, қизини койиди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг бошлари Ойша розияллоҳу анҳонинг тиззалари устида бўлгани учун ўрнидан туриб кета олмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан турдилар. Тонг ёришиб қолган, аммо сув йўқ эди. Шунда таяммум қилиш ҳақидаги оят нозил бўлди. Усайд ибн Ҳузайр Ойша розияллоҳу анҳога: “Аллоҳ сизни муносиб тақдирласин. Аллоҳга қасамки, сизга сизни хафа қиласиган бирор ташвиш тушса, албатта, Аллоҳ ўша ишни мусулмонлар учун яхшилик қилиб қўяди”, деди.

Бу ҳадисдан аниқ кўриниб турибдики, эркак саҳобалар Ойша розияллоҳу анҳо мунчоқ учун қаттиқ қайғуга тушиб қолганини арзимас иш деб санаган, уни деб қўшинни йўлдан олиб қолиш тўғри эмас, деб билган. Лекин мунчоқ Ойша розияллоҳу анҳонинг мулки эмасди. Шунинг учун бирорвнинг молини йўқотиб қўйишдан қаттиқ таш-

вишга тушиб қолган эди. Аллоҳ таоло уни мана шу иши учун икки марта мукофотлади. Биринчиси, у мунчоқни түянинг тезаги тагидан топиб олди. Иккинчиси, сув топа олмаганлар ёки узрли кишилар учун таяммум қилишга рухсат берилишига сабаб бўлди (*Имом Бухорий ривояти, 327-ҳадис*).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир аёл: “Ё Расулуллоҳ, сиз ўтиришингиз учун минбар ясатиб берайми? Чунки менинг дурадгор қулим бор”, деди. У зот: “Агар хоҳлассанг, минбар қилиб бер”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти, 437-ҳадис*).

Абу Саид Ҳудрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, эркаклар ҳадисингизни илиб кетди. Аллоҳ сизга билдириган нарсалардан бизларга ҳам таълим беришингиз учун ўзингиз бир кунни тайин қилсангиз”, деди. У зот: “Фалон куни фалон жойда тўпланинг”, дедилар. Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдига келиб Аллоҳ билдириган нарсалардан уларга таълим бердилар...» (*Имом Бухорий ривояти, 6880-ҳадис*).

Демак, айрим нопок кимсаларнинг “Саҳихи Бухорий”да аёллар шаъни камситилган дегани асоссиз. Аёлларга тегишли юқоридаги ҳадислар атайлаб нотўғри талқин этилмоқда. Зоро, Имом Бухорий ривоят қилган ушбу ҳадислар ҳар хил лафзлар билан бошқа саҳих тўпламларда ҳам келган.

Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази
директори ўринбосари

Яратган ул куни сендан ризо бўлгай...



Исмоил Маҳмуд МАРГИЛОНИЙ

Ҳақдан ризолик истаким

Ҳеч кимни топмас нажот Ҳақдан иноят бўлмаса,
Ҳақ йўлига туну кун дилдан итоат бўлмаса.

Фурсати ўтгай шамолдай бенафу бекадр, агар,
Маъсият шаррига гар дилдан надомат бўлмаса.

Тухфа бирлан ҳар киши бўлгай азиз ҳар ерда, бил,
Етмагай васлига гар кўнгилда ҳиммат бўлмаса.

Нафси шайтон дастидан келгай гуноҳ ҳар кимсага,
Тушмас эрди макрига кўнгилда ғафлат бўлмаса.

Мақсаду матлаб учун ҳар дилки қилгай ихтиёр,
Топмагай манзилни гар Ҳақдан ишорат бўлмаса.

Бу ўтар дунёга кимлар келдилар, кетди қаён,
Ҳақ назар айларми, боқ, ул кун ибодат бўлмаса.

Маҳмудо, Ҳақдан ризолик истаким ҳар ишда сен,
Топмагай фазлин киши дилдан риёзат бўлмаса.

* * *

Мұхаббатли кишиларнинг юзида нур, зиё бўлгай,
Бу ишқи бирла чун тун-кун дилида чин сафо бўлгай.

Бу олам тийнатига ул кўнгулни боғламас ҳаргиз,
Мұхаббат бирла қалбida Ўзига иқтидо бўлгай.

Этиб исён биравлар бирла нафсига берилмас ҳеч,
Шукр айлаб ҳаётида ҳамиша, бил, вафо бўлгай.

Тажаллийсин кўриб ёрин ки ҳар дам ул фасоҳатда,
Саодат ичра кўнглида мудом хавфу ражо бўлгай.

Ризосин топмакка ёрин ҳамиша ул нажот излар,
Анинг шавқи била тун-кун ки ўздин ул сиво бўлгай.

Ҳаёти интизомини тутиб ҳар дамда тақвода,
Висол онига етмакка дилида муддао бўлгай.

Бу тавҳид бирлаким, Маҳмуд, музайян
айласанг ўзни,
Умид борки, Яратган ул куни сендан ризо бўлгай.

* * *

Тут ўзингни, эй кўнгил, сен аҳли зоҳирдан йироқ,
Тузма ҳаргиз сен анинг бирла кўнгилдан иттифоқ.

Сол назар, ҳоли ҳаётинг боғига сен дил билан,
Булбулу зоф ўртасинда йўқ эрурми, боқ, нифоқ.

Ул санам дарди билан ёнгай талаб аҳли мудом,
Ўртагай ҳар дам аларни ишқ аро дарду фироқ.

Ҳеч вафо қилгайми дунё аҳли раҳмат корига,
Аҳли маъни ҳикматин ҳар дамда бил дилга сабоқ.

Даҳр эли бозорида бўлмоқ қийин осудаким,
Бас, синиқ кўнглингга ботин аҳлини айла чироқ.

Маҳмудо, доғи дилингни билмасин бедардлар,
Ёр васлин топгай ул кун бўлса ким мардонароқ.

Марғилон шахри

Иброҳим Адҳам ҳикмати

Сўрадилар валийуллоҳдан:

– Кўлга қандай киритдингиз сиз,
Дунёдан зуҳд қилишини тақсир?

Пири комил айлади жавоб:

– Уч нарсадан ясаб хулоса,
Шу тўхтамга тақалдим охир.

Муридларда ошади ҳайрат:

– Бу учликдан қилинг хабардор,
Билиб қўйсак зиёни йўқдир.

Шарҳладилар қаландар подишо:

– Охиратнинг боши – қабрни,
Ёлғизловчи бинодек кўрдим.

Ваҳоланки, йўлдошим бўлмас,

Огоҳликка дикқатни бурдим.

Узун кўрдим борар йўлимни,

Нафс иймонга солади хатар.

Билдим сабру эзгу амалдан –

Сўнг бандага оғият етар.

Мавжудотнинг соҳиби Аллоҳ,

Маҳшаргоҳнинг қозиси ҳам Ул.

Улуғ кунда ҳимоячим йўқ,

Тадорикка берилдим буткул!

Худбин ва сахий

Томирида юриб турса қон,
Турмуши ҳам бұлса фаровон.
Үз тинчини үйласа чандон,
Тирик бир жон саналар тамом.
Элу юрти, қариндош, муҳтож –
Мискинларга кенг очиб қулоч.
Сахийликни топтирса ривож,
Чин инсон у – Ҳақ ийлда имом.

* * *

Эзгу шида хуш тилакни остана бил,
Натижалар ниятингга бўлар боғлиқ.
Дўсту ёрни ғойибона дуолар қил,
Бундай амал ҳеч шубҳасиз ҳотамтойлик.



Нафс шифоси

Нафс шифоси: очлик, жимлик, ёлғизлик ва бедорликда,
Ҳаё, ибо, андишаю тавозе йўқ беорликда.
Художўлар ризқу рўзга қаноат-ла шукр айлар,
Фано завқи бўлар балки, охират йўқ ғаддорликда.

Негмурод ГУЛИЕВ,
Ғиждувон тумани

Ҳалокат дарчаси

Дунё илмин ўрганиш давом этмоқда мудом,
Йўл очиб қўйди Аллоҳ одамга бериб мақом,
Қанча ижод қилурлар оятда бордур Калом,
Сўнгги муддат келганда чекланиб бўлур тамом,
Аллоҳ изнидан чиқиб шайтонга берманг салом.
Илм кутқарап дунёни, ҳеч ерда бўлмас офат,
Унга тобе бўлганлар жафони қилур роҳат,
Ҳадисда айтилибдур: Илм ўқишни қил одат,
Токи умринг сўнгидан қолса ҳамки бир соат,
Аллоҳ изнидан чиқиб шайтонга берманг салом.

Буюрди ўқисин деб: Ўргансин ёшу қари,
Кўрсатиб ўз зиёсин боб очилган сингари,
Берди Аллоҳ билса ҳам яна юксаклик сари,
Бермагай ахли илмга хоҳишидан ташқари,
Аллоҳ изнидан чиқиб шайтонга берманг салом.

Илмнинг ҳар соҳаси халқ ривожига даво,
Тафаккур ҳам баъзида тақвони қилур адо,
Берса Аллоҳ борига шукрини қилмоқ бажо,
Хоҳишидан четланиб чираниш катта хато,
Аллоҳ изнидан чиқиб шайтонга берманг салом.

Ўқиб, ўрганиб билдик олдиндадур қанчаси,
Аллоҳнинг изнидадур сирли илмлар барчаси,
Бизга бир томчи берар оқмоқдадур чашмаси,
Ғулувга кетсак, ютар ҳалокатли дарчаси,
Аллоҳ изнидан чиқиб шайтонга берманг салом.

Ахмаджон МАМАСАИДОВ,
Уккўпrik тумани

Қазога рози, балоға сабрли...

Кел, эй соқий, муҳаббат жомидин май,
Харидор илгина бергил паёпай.

Харидор ул эрур жуз ниййати фард,
Кўнгил кўнглакина юқтирмағай гард.
Қаю ҳолатда бўлса эртаю кеч,
Хилофи ҳукми маҳбуб этмагай ҳеч.

Бу йўлнинг барчасин тай қилғон эрлар
Ризо бермак мақом аълоси дерлар.

Агар бошида юрса осиё санг¹,
Ризо жўянда ҳаргиз бўлмағай танг.

Агар ҳар кунда ичса заҳр аёғин²,
Суюклук бандаси чатмас қабогин.
Кишиким розилик номинда бўлса,
Қилур шукр, аждаҳо коминда бўлса.

Ризо айвонида топқон киши жо,
Демас «во» боби офат бўлса ҳам во.
Агар мағзи дилинг айрилса то пўст,
Йиғини йиғ, агар чин қулсан, э дўст.

Сўнар ғам тушса ҳар озода эрга,
Ўчар ўт тушса хасдин холи ерга.

Худо амриға оқил ғам емасдур,
Демас гардун қилур гар дун³ эмасдур.

Эгам ҳукмиға ҳар ким бўлса мамнун,
Қўттармас ун агар бошин қилур ун.

Бу тоққа сурсалар, ташлаб у тоғдин,
Санодин ўзга чиқмас ақли соғдин.

Агар киндур магар минг қилсалар қийин,
Қачон тушкай чин эрни кўнглина чин?
Қаю ҳолат билан жон бўлса танда,
Бўлар шокир ҳамиша рози бандা.

Улуғ йўлдин адашқон неча беақл,
Қилур эрлардин у ёлғончилар нақл:
«Киши ким ошиқи дийдори Ҳақдур,
Муҳаббат ахли бирлан ҳамсабақдур.

На ҳожат ўзгача тоатлар андин!»
Бўлур юзи қаро мундоғ дегандин.

Ўшал ҳалқики кўп беақл эмишлар,
Худонинг душманин ошиқ демишлар.

Дилу жон бирла бўлғон ошиқи зор,
Хилофи ҳукм қилмас зарраи кор.

Буюргон ишларини шоду ғамда,
Қилур бирдек фарогатда, аламда.

Агар тўлдирсалар ернинг юзини
Қизил тилло билан, солмас кўзини.
Бало ўқи қадалса, урмағай ох,
Қилич бошиға келса, бузмағай роҳ.

Кишиким қилса ошиқлик лофин,
Қилурму ҳеч маъшуки хилофин?..

Сўфи ОЛЛОҲЁРнинг
“Саботул ожизин” асаридан

¹ Тегирмон тоши. ² Заҳарли қадаҳ. ³ Ахмок, нодон.

“Жомеус Сунан” шарҳланмоқда

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг “Сунани Термизий” номи билан танилган “Жомеус Сунан” асарининг ўн жилдлик илмий-изоҳли таржимаси ва шарҳи тайёрланмоқда.

Дастлабки уч жилди 2022 йили нашр этилган бўлса, 2023 йили унинг тўртинчи жилди ҳам дунё юзини кўрди. Тўртинчи жилдда “Китобус солат” (Намоз китоби) ҳадисларининг биринчи қисми – 149–250 рақамли ҳадислар шарҳланган.

Ушбу хайрли ишни амалга оширишда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимларининг алоҳида хизматлари бор.

Китоблар ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига мувофиқ шарҳланган ўзбек тилидаги дастлабки илмий ишдир. Ундаги ҳар бир ҳадис ҳанафийлик мазҳабига биноан кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Асар шарҳида икки юзга яқин манба, жумладан, Ҳиндистон ва Покистон диёрлари уламоларининг китобларидан кенг фойдаланилди.

Ушбу иш диний адабиётлар таржимашунослигида илк тажрибадир. Ундаги санадлардаги “ҳаддасана” (бизга ҳадис айтди), “ахбарана” (бизга хабар берди), “..ъан” (... дан ривоят қилинади) каби сўзларнинг ҳадис илмида фарқи борлиги сабабли таржималарда ҳам шу хилда берилишига ҳаракат қилинди. Санаддаги ровийларни ўқувчиларга таништириб боришга катта аҳамият қаратилди. Шунингдек, ҳар бир сўз ва жумлаларга изоҳ бериб борилди.

Таржима ва шарҳ жараёнида ҳадис илмидаги истилоҳ ва атамалар жуда кўп ишлатилди. Бу услубнинг илм толиблари ва мутахассисларга истилоҳ ва атамаларни қўллаш ҳамда тушунишда фойдаси катта.

Шарҳлашда Марказий Осиё халқарининг минг йиллардан бери амал қилиб келаётган ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига мувофиқ – аҳли сунна ва жамоат таълимотига уйғун ҳолда таржима ва шарҳ қилинишига катта эътибор берилди. Шу билан бирга, бошқа мазҳабларнинг далиллари ва уларга жавоблар, ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига таъна қилувчи, шубҳага қўювчиларга ҳам радијялар ўз ўрнида бериб борилди.

Тўртинчи жилддаги 168-ҳадис шарҳи

Абу Барза розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: *“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтондан олдин ухлашни ва ундан кейин гаплашишни ёқтиирмас эдилар”*.

Абу Исо ат-Термизий дейди: «Бу борада Ойша, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Анас розияллоҳу анхумдан ривоятлар мавжуд. Абу Исо (ат-Термизий): «Абу Барза розияллоҳу анхунинг ҳадисини ҳасан-саҳиҳ ҳадисдир!» – деган. Дарҳақиқат, илм аҳлиниң кўпчилиги хуфтондан олдин ухлашни ва ундан кейин гаплашишни макруҳ санаганлар. Айрим олимлар эса бунга рұхсат берганлар».

Мазкур бобда хуфтонни ўқимасдан ухлаб қолиш ёки уни вақти кирган заҳоти дарҳол ўқиб олиб, сўнгра беҳуда гаплашиб вақт ўтказиш макруҳлиги ҳақидаги ҳадис зикр қилинган. Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишни ёқтиирмас эдилар. Шунга кўра, масалан, кечаси билан телевизор ёки интернетда фойдасиз нарсалар кўриб ўтириш ёки хуфтондан кейин беҳуда гурунглашиб ўтириш макруҳ бўлади.

Бу ўринда ихтиёр қилинган фиқҳий қараш шуки, хуфтонни ўқиши учун уйғонишга аниқ ишончи бўлса ёки уйғотишга бир кишини тайинлаб кўйса, макруҳ бўлмайди. Қолган суратларда макруҳ бўлади. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо каби баъзи саҳобаларнинг хуфтон ўқимасдан ухлаганлари нақл қилинган. Шу билан бирга, улар хуфтондан олдин ухлашни макруҳ санашгани ҳам событ. Бундай зид ривоятларнинг татбиқи шуки, киши уйқудан туришга аниқ ишончи бўлса ёхуд бирорга уйғотишни айтиб кўйган бўлса, шунингдек, макруҳ вақт – туннинг ярми ўтгунча ухлаб қолмаса, хуфтондан олдин ухлаши макруҳ бўлмайди (*қисқартириб олинди*).

Масъудхон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси доценти



Ўзбек матбуотининг тариҳий илдизлари

Мутафаккир аждодларимиз Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон” (1030 йил), Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” (?-1077 йил), Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома” (?-1454), Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413–1482) «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи»), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида миллий матбуотимизнинг илк куртакларини кузатиш мумкин:

“Мен бу китобда ҳиндлар сўзини ўзича ёзман, уларнинг юонолар билан яқинликлари борлигини билдириш учун унга юоноларнинг шу хилдаги сўзларини қўшаман. Мен улар тўғрисида сўзлаганимда кўпроқ ҳикоя тариқасида сўзлайман, уларни танқид қилмайман, лекин зарурат юз берса, очикоидин танқид қиласман”.

“Ҳиндистон” асаридан

* * *

“1405–1429 йиллар воқеалари. Мирзо Улуғбекнинг Андхуд ва Шибирғон томон жўнаганлиги зикри ва Хуросонда кечган воқеалар давомининг шарҳи.

Жаҳон сultonининг офтобдек ёрқин фикри Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмаликлар Андхуд ва Шибирғонга бориб, у тарафни забт этишлари ҳамда раиятни идора қилиш ва фармонраволик борасида ниманини маъқул ва маслаҳатдан деб топсалар, шуни амалга оширишларини лозим топди. Улар у ерларга етиб келгач, тил тутиб келиш учун бир неча суворийларни Жайхундан (Мовароуннахр тарафга) ўтказдилар. Суворийлар Исо ва

Хизр хожани тутиб олиб, қайтиб келдилар. Мирзо Улуғбек Хизр хожани ҳазрат Хоқони Саид ҳузурига жўнатди, Исони эса Мадинат ур-рижол Балҳда турган Пир Муҳаммад тарафига йўллади”.

“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”дан

* * *

«Фарғона вилоятининг атроф-теварагидаги тоғларда яхши яйловлар бор. Тобулғу шу тоғларда бўлади, бошқа ҳеч ерда бўлмайди. Тобулғу шундай бир бутасимон дараҳтдиреки, пўсти қизил, ундан ҳасса, қамчи дастаси, кушларга қафас қиласидилар; йўниб камон ўқи ясадилар, анча яхши дараҳтдир. Табаррук билиб йироқ юртларга олиб борадилар. Баъзи китобларда “ябруҳ ус-санам” шу тоғлардадир, деб ёзганлар. Бироқ бу муддатгача ҳеч кўрмадик. Бир гиёҳни Еттикент тоғларида бўлади, дейишади, номи “айик ўти” эмиш; меҳригиёҳ хосиятли, афтидан ўша меҳригиёҳдир, у эл бу ном билан айтади. Бу тоғларда феруза ва темир конлари бўлади».

“Бобурнома”дан

Аммо расмий ёндашувга келсак, 1870 йил 28 апрел куни Тошкентда “Туркестанские ведомости” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Бу билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси вақтли матбуотига тамал тоши қўйилди. Кейинчалик ушбу нашр ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” номи билан ҳам чоп этила бошланди.

Мазкур нашр ўша даврдаги жамият тараққиётидаги оламшумул воқеа бўлди. Чунки у вактда мутараққий давлатларнинг ҳам баъзиларда ҳали газетачилиқдан асар ҳам йўқ эди. Масалан, Японияда илк газета “Токио Нichi Нichi Шимбун” орадан икки йил ўтгандан кейин – 1872 йилнинг 21 феврал куни нашр этила бошланди. Кореяда эса роппа-роса ўн уч йил кейин, яъни 1883 йилнинг 31 октябр куни биринчи миллий газета “Хансонсунбо” дунё юзини кўрди.

Айнан шу сабабдан ўзбек миллий журналистикаси ўтмишини ўрганиш, ҳар томонлама тадқиқ қилиш, ундан сабоқ олиш жуда катта маърифий ва маънавий аҳамият касб этади.

Мансур ЎРОЛОВ,

Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети магистри,
“Нўғайқўрғон” жоме масжиди имом-хатиби

Тарихи Мұхаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

АСИРЛАР ҲАҚИДА МУЗОКАРА

Ҳар икковлари қаттиқ ваъда қилишдилар. Бу сирни ҳеч кимга айтмасга қасам ичдилар. Сўнгра Умайр шу иш қасдида қиличини қайраб, заҳар билан суғорди. Шу билан йўлга тушиб, тўғри Мадинага келди. Шу чоғда ҳазрати Умар бир неча саҳобалар билан Бадр урушида ўтган ишлардин сўзлашиб ўлтиришган эди. Қарасалар, қилич тақинган бир киши масжид олдига келиб туясини чўқтириди. Ҳазрати Умар дарҳол уни таниб айтдиларким:

– Бу Худо душмани Умайрга ўхшайди. Бунинг келиши яхшилик эмасдур, бир ёмонлик нияти билан келгай, – деб дарҳол Расулуллоҳга хабар берди. Расулуллоҳ уни келтирмоққа буюдилар. Ҳазрати Умар қиличини бир қўлида, яна бир қўли билан унинг ёқасидан тутиб, олди-орқасидан ансор саҳобалар ўраган ҳолда олиб келдилар. Расулуллоҳ қарасалар, ҳазрати Умар қиличининг боғи билан бўйнидан бўғиб ушлаб турибдур.

– Эй Умар, уни бўш қўй, яқинроқ келсин, – дедилар. Ўша ондин сўнгра Пайғамбаримиз олдиларига келиб араб одатicha:

– Инъамун сабоҳан, – деди. Бу сўз ислом дини келмасдин илгариги араблар саломи эди. “Эртангиз юмшоқ ўлсин” демакдир. Анда Расулуллоҳ:

– Бунинг ўрнига ундин яхшироқ саломни Аллоҳ таоло бизга берди. Жаннат аҳли шу ила ўзаро саломлашгайлар. Эй Умайр, нима учун келдинг? – деб сўрадилар. Анда ул айтди:

– Ўғлим Ваҳб Бадр урушида асир тушмиш эди, бу тўғрида сизлар билан

келишгани келдим. Унга бирор яхшилик қилғайсизму? – деди. Расулуллоҳ айтдилар:

– Андоғ бўлса, қилич тақиб келишинг қандайдур? Ул айтди:

– Қиличини Аллоҳ қуритсин, ул бизга ўтган урушда нима асқатди? Ўз одатимча тақинмиш эдим. Яна Расулуллоҳ сўрадилар:

– Тўғри айтгил, тўғри сўзлагил, қайси иш қасдида келмиш эдинг? Ул:

– Айтмиш ишимдан ўзгани ўйлаганим йўқдир, – деди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

– Сўзинг ёлғондур, балки иш бундоғдур: Бир куни сен Каъба олдида Сафвон билан бирга ўлтиридинг. Бадр урушида ўлдирилиб, қудукқа ташланган кишиларни эслалишиб йиглашдинглар. Анда сен: – Устимдаги ўтнам (қарзим) бўлмаса, мендин кейин оиласларим оч қолишидан қўрқмасам эди, Мадинага бориб, Муҳаммадни ўлдириб келур эдим, – дединг. Сафвон сендин бу сўзни онглаши билан: – Агар бундоқ қилур бўлсанг, ўтнанг бўйнимга, бола-чақанг нафақаси ўлгунимча устимга бўлсин, – деди. – Энди сен мени ўлдиргали қасд қилиб келгандурсан. Аллоҳ мени бу ишдан асрар, буни бўлдурмағай, – дедилар.

Бу сўзни онглаши билан Умайрнинг кўнгли очилди: – Аниқ билдим, Аллоҳнинг пайғамбари экансан, деб дарҳол иймон келтирди¹.

– Сенинг айтган сўзларингга илгари инонмас эдим, сен келтурган кўп хайрларни ёлғон деб билур эдим. Энди гувоҳлик берурман, сен Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари экансан. Бу ишни Сафвон икковимиздан ўзга ҳеч ким билмаган эди. Ва ҳам буни билдириласга онт ичган эдик. Аниқ билдим, бу ишни сенга Аллоҳ билдиримушдур. Йўқ эрса, буни ўзлигидан ким била олур эди? – деди.

Буни кўриб, Расулulloҳ бошлиқ ҳамма саҳобалар суюнишдилар. Пайғамбаримиз ислом динининг асосларини унга ўргатишни буюрдилар. Қуръондан бир неча сурани ўқиб ёд олди. Мусулмонлар қўлига асир тушган ўғли Вахбни озод қилдилар. Сўнгра Умайр:

– Ё Расулаллоҳ, мен ислом нурини ўчирмак учун кўп курашдим. Бу диндаги кишиларга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, аларнинг кўнгилларини кўп оғритдим. Агар рухсат қилисангиз, Маккага бориб, халқни динга даъват қиласин. Аллоҳдин умид шулдурки, алар ҳам бу йўлни қабул қилгайлар. Агар қабул қилмасалар, илгари ҳақ динга қаршилик қилиб, мўминларга тўла озор берган эдим, энди унинг ўрнига буларга қарши туриб, озор бермакни ўзимга лозим кўрдим, – деб изн сўради. Расулulloҳ ҳам унга изн бердилар.

Сўнгра Умайр ўғли Вахбни бирга олиб, Маккага қайтди. Келгандин кейин мусулмонлигини барчага очиқ билдириди. Ўғли Вахб бўлса, отаси қўлида иймон келтириди, бутун оилалари билан ислом динини қабул қилдилар.

Яна Абу Азиз бин Умайр, бу киши дағи (ҳам) Бадр урушида қўлга тушган асирлардан эди. Бу бўлса, улуғ саҳобалардан Мусъаб бин Умайрнинг бир туғишиган қариндошидур. Саҳобалардин бировлари буни асир олмиш эди. Мусъаб бин Умайр унга айтди:

– Сен бу асирингни зинхор бўш тутмагил, яна қочиб қутулмасин. Буни суйган мол-дунёлик бой онаси бордур. Фидя учун ҳар қанча мол сўрасанглар, уни бермакка қудрати етар. Бунинг сўзини онглаб:

– Эй оға, қариндошликтининг ҳаққи шундай бўлурми? – деди. Оғаси дегандек онаси тўрт минг танга пул юбориб, ўғлини асирикдан қутқазиб олди.

Яна Пайғамбаримизнинг амакилари Аббос бин Абдулмутталиб ҳам Бадрда асир тушганлардан эди. Қўл-бўғови қаттиқ боғланганлигидан кечаси ингрраб ёта олмади. Бунинг товушидан

Расулulloҳнинг раҳмлари келиб, у кеча ухламадилар. Саҳобалардан бировлари:

– Ё Расулаллоҳ, на учун уйқунгиз бу кеча қочибдур? – деганида:

– Аббоснинг инграшини эшитмадингми, у менинг уйқумни қочирди, – дедилар. Буни англаган мўминлардан бир киши тура югуриб, Аббоснинг бўғовини бўшатди. Шу қаторда барча асирларнинг ҳам бўғовларини бўшатдилар. Сўнгра Пайғамбаримиз ундин икки киши учун фидя моли беришни талаб қилдилар. Бириси ўзи учун, иккинчиси – оғаси Абу Толиб ўғли Оқил учун эди. Анда Аббос айтди:

– Фидя молини биздин нечук олғайсиз? Биз бу урушга ўз ихтиёrimизча келмадик, кўпчилик халқ бизни чиқмоқча мажбур қилдилар. Анда Расулulloҳ айтдилар:

– Шариат ҳар ишнинг зоҳириға қарайди. Кўринишида бизга қарши туриб, душман сафида бўлдинг, шунинг учун фидя моли бермасга чоранг йўқдур. Ундан икки кишилик мол олдилар. Фидя молларини тўлаб тугатгандин сўнгра, Аббос Пайғамбаримизга:

– Қурайш эли ичида мени энг фақир қилиб қўйдинг. Бурун бой бўлсам ҳам, энди бутун умр ичи камбағалликда қолдим, – деди. Расулulloҳ айтдилар:

– Қайдин камбағал бўлурсан? Хотининг Умму Фазлга топшириб келган молинг эсингдан чиқдиму? Уйингдан чиқар чоғда “Бу сафарда мен ўлиб кетсам ҳам, умр бўйи сенга етарлик мол қолдирдим” демадингму? Анда Аббос айтди:

– Аниқ билурман ва ҳам билган эдим, сен Аллоҳнинг чин пайғамбари дурсан, йўқ эса қайдин билдинг, хотиним Умму Фазлдан бошқа ҳеч бир жонга туйғузмаган (бидирмаган) эдим, – деди².

**Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан**

Давоми бор...

¹ Ат-Табароний. Ал-Муъжамул-кабир, 17/56-62; Ибни Хишиом. Ас-Сийратун-нававийя, 3/212-214.

² Аҳмад ибни Ҳанбал. Ал-Муснад, 1/353; Ал-Байҳақий. Ас-сунанул-кубро, 6/322.

Соломон ороллари

Ушбу юрт Тинч океани минтақасида жойлашган, 992 оролдан иборат. Оролларнинг учдан бир қисмиди аҳоли яшайди. Расмий тили – инглиз тили. Аммо аҳолининг 1–2 фоизи шу тилда гаплашади, холос.

Оролнинг аҳолиси 700 000 га яқин бўлса-да, улар 120 тилда гаплашади. Улар ҳам биз ўзбекларга ўхшаган болажон халқ, аҳолисининг 43 фоизини 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қиласди.

Ислом Соломон оролларида ҳозирча озчилик дини ҳисобланади. Турли манбаларда таъкидланишича, Исломга мамлакат аҳолисининг 1 дан 5 фоизгача бўлган қисми эътиқод қиласди. Мамлакатнинг 93 фоизи эса насронийлардир. Мусулмон жамоалари аҳмадийлар ва суннийларга бўлинган.

Соломон оролларига мусулмонлар дастлаб XIX аср охирларида, архипелаг (бир-бираидан унчалик узоқ бўлмаган ва одатда бир бутун деб ҳисобланадиган ороллар тўдаси) Буюк Британия мустамлакаси бўлган вақтда кириб борган. Улар инглизлар ёллаган афғонлар эди. Афғонлар, асосан, юқ ташиш, умумий озиқ-овқат соҳасида ва йўл қурилишида хизмат қилишган. 1931 йилда мазкур ороллардаги мусулмонлар сони 393 кишига етган. Бироқ уларнинг кўпи ватанига қайтиб кетишган. Кейин эса маҳаллий аҳоли вакилларининг Исломга қизиқиши туфайли мусулмонлар сони бирмунча ортган.

Хуллас, Соломон оролларининг мусулмонлар билан алоқалар жуда яқин тарихда йўлга қўйилган. Мамлакатда 1980 йиллар-

нинг охиридан бошланган фаолиятлар на-тижасида мусулмон озчилик шаклланди. Лекин мамлакатда яқин йилларгача бу соҳадаги фаолиятлар асосан аҳли суннат доирасидан ташқарида бўлган ва эътиқод нуқтаи назаридан бидъат қарашларга эга кодиянлик ҳаракати орқали амалга оширилаётган эди.

Ҳозирги кунда Соломон оролларидаги мусулмонлар сони ҳакида аниқ маълумотлар йўқ. Шу боис мамлакатдаги мусулмонлар улуши ҳамон 0,5 фоиздан пастлиги тахмин қилинмоқда. Аниқроқ рақамлар билан айтадиган бўлсак, АҚШ давлат департаменти ҳисботига кўра, мамлакатда 350 нафар атрофида мусулмон истиқомат қиласди. Аммо бошқа манбаларнинг хабарларига таянилса, мамлакатдаги фақат мусулмон-аҳмадийларнинг сони мингдан ҳам ошиқроқ. Аҳмадийлар жамиятининг бош қароргоҳи Соломон ороллари пойтахти Хониарада жойлашган. Шунингдек, аҳмадийлар қадимий ороллар бўлган Гуадалканал, Рассел, Саво ва Беллонага ҳам тарқалган.

Кейинги йилларда сунний мазҳаб воизлари минтақага кўп бораётгани туфайли мамлакат аҳолисига Исломни ҳақиқий моҳияти билан таниш имконияти пайдо бўлмоқда. Яъни, ҳозирги вақтда Соломон ороллари аҳолиси орасида Исломга мойил кишилар, айниқса, ёшлар сони ортмоқда. Шунингдек, у ерга борган сунний воизлар ва олимлар саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ кодиёнларнинг ҳам баъзилари тўғри йўлдан адашганлигини англаб етиб, ҳидоятга қайтмоқдалар.

Дамин ЖУМАҚУЛ